

ISSN 2010-7498

KASB-HUNAR TA'LIMI

ILMIY-USLUBIY, AMALIY, MA'RIFIY JURNAL
2019, №2



Hurmatli jurnalxonlar!

“Kasb-hunar ta’limi” jurnali tahririyati sizni o’zaro hamkorlikka taklif etadi.

Jurnal sahifalarida kasb-hunar ta’limini rivojlantirishga qaratilgan ilmiy-uslubiy maqolalar, innovatsion ta’lim texnologiyalari, metodik tavsiyalar bilan birga ilg’or tajribalar hamda tizimda amalga oshirilayotgan ibratli ishlar va yangiliklarni yoritishingiz mumkin.

O’z ilmiy qarashlaringiz, innovatsion g’oyalar, metodik tavsiyalar, ilg’or tajribalaringizni “Kasb-hunar ta’limi” jurnalxonlari bilan bo’lishing!

KASB-HUNAR TA'LIMI

Профессиональное образование
Professional education

Ilmiy-uslubiy, amaliy, ma'rifiy jurnal
2019-yil, 2-son

Muassislar:

Kasb-hunar ta'limi markazi,
Kasb-hunar ta'limi tizimini innovatsion rivojlantirish,
pedagog kadrlarning malakasini oshirish va qayta
tayyorlash instituti

Bosh muharrir: M.XOLMUXAMEDOV
Bosh muharrir o'rinbosari: SH.QURBONOV
Ijrochi direktor: H.SIROJIDDINOV

Tahrir hay'ati:

B.B.SOBIROV, R.X.JO'RAYEV, SH.S.SHARIPOV,
F.X.RIZAYEV, H.SH.RAXMONOV,
SH.T.ERGASHEV, O'.D.XIDIROV,
O'.S.XUDAYBERDIYEV, X.F.MASUDOV,
A.NIZAMOV, A.R.XODJABAYEV, A.A.TURG'UNOV

Jurnal 2000-yildan nashr etila boshlangan.
O'zbekiston matbuot va axborot agentligida
2007-yil 3-yanvarda qaytadan ro'yxatga olinib,
0109-raqamli guvohnoma berilgan.

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar
Mahkamasi huzuridagi Oliy Attestatsiya komissiyasi
tomonidan 2017 yil 29 avgustdagi 241/8 qarori
bilan Pedagogika fanlari bo'yicha dissertatsiyalar
yuzasidan asosiy ilmiy natijalarni chop etishga
tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Manzil: 100095, Toshkent sh., Olmazor tumani
Universitet ko'chasi, 2-uy
Tel.: 90-979-75-89;
94-677-90-32;
E-mail: kasbhunartalimi@mail.ru,
ksbjurnal@inbox.uz.

Nashr uchun mas'ul
H.Sirojiddinov

Sahifalovchi: A.Abrayqulov

Tahririyat fikri muallif nuqtai nazariga to'g'ri
kelmasligi mumkin.

Tahririyatga yuborilgan maqolalar egasiga
qaytarilmaydi.

Jurnaldan ko'chirib bosilganda "Kasb-hunar ta'limi"
jurnalidan olingani izohlanishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: _____ 2019-yil.
Bichimi 60x84 1/8
Bosma tabog'i 10. Adadi 325 nusxa.
Buyurtma
_____ nashriyotida tayyorlandi.

МУНДАРИЖА

Инновацион таълим

Д.Зарипова. Касбий таълим жараёнига таълим инновациялари-
ни жорий этиш шартлари2

Педагогика

О.Қўйсннов. Компетентли ёндашув асосида бўлажак касб таъ-
лими ўқитувчиларининг касбий-педагогик ижодкорлигини ри-
вожлантириш тизими5

Б.Илхомов. Касб-хунар таълими тизими бошқарув ходимлари-
нинг иқтисодий компетентлигини ривожлантириш9

Г.Алтибаева, Н.Умбарова. Оилавий муносабатларда болаларга
касб кўникмаларини шакллантиришнинг муҳим омили сифати-
да13

Н.Сулейманова. Педагогический артистизм и профессиональ-
ное творчество учителя иностранного языка17

Л.Малашенко. Процесс адаптации студентов к обучению в
Вузе21

Психология

М.Азимова. Ўқувчини касбий фаолиятга йўналтиришда инди-
видуал психологик хусусиятларни инобатга олишнинг муҳим
жиҳатлари25

А.Содиқова. Шахснинг касбий фаолиятини ўрганишга психо-
логик ёндашув28

Г.Зиявитдинова. Замонавий психологияда оилавий ҳаётга тай-
ёрликнинг ўрганилиши32

Методика

Д.Бахритдинова. Технология фанлари самарадорлигини оши-
ришда интеграциянинг аҳамияти36

А.Хасанов, Ш.Ўроқова. Таълим тизимида фанлараро интегра-
ция39

Х.Мухамедова, З.Самикова. Umumta'lim maktablarida
texnologiya fanida o'quvchilarning kreativ kompetentligini
shakllantirish43

З.Бабаева. Соотношение традиций и инноваций в образователь-
ном процессе при изучении русского языка и литературы47

М.Махмудова. Бошқа миллат болаларига ўзга тилни ўқитиш-
нинг омиллари51

М.Узакова, С.Каримова. Методика работы над функциональ-
ными стилями речи на уроках русского языка как неродного в
школе54

Г.Курбанова, А.Курбанова, К.Комилов. Интеграция химии и
русского языка59

Ф.Нурматова, И.Позднышева, Д.Хидаева. Актуальность ис-
пользования интерактивных методов на занятиях русского язы-
ка63

Г.Саримсакова. Организация учебного процесса по преподава-
нию русского языка в национальной школе67

Тажриба майдони

А.Г'аниев, S.Normurodova. Kilogramming Plank doimiysi yor-
damida aniqlanishi haqida72

Х.Офтобхўжаева. Ўқув фанларнинг таълим технологияси бўй-
ича касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун саволли топши-
риқлар ва уларга жавоблар76

КАСБИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ТАЪЛИМ ИННОВАЦИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ШАРТЛАРИ

Д.А.ЗАРИПОВА

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақола касб таълими жараёнида инновацион фаолият мазмуни, касбий таълимда таълим инновацияларини жорий этиш масалаларига бағишланган.

Калит сўзлар: инновация, педагогик инновация, инновацион фаолият, новация, инновацион жараён.

Аннотация. Данная статья посвящена проблеме обучения специальных дисциплин при использовании инновационных технологий.

Ключевые слова: компетенция, профессиональной компетентность, мотивация, специальная дисциплина.

Annotation. Given article is devoted problems of training of special disciplines at use innovative technology.

Key words: competency, professional competency, motivation, special disciplines.

Жаҳон миқёсида педагог кадрларнинг инновацион салоҳияти ва фаолияти, касбий компетентлиги ва креативлигини ривожлантириш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг интеллектуал ресурсларини яратиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш, маҳаллий шарт-шароит, иқтисодий ва интеллектуал ресурсларни инобатга олган ҳолда жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ислохотларнинг амалга оширилаётганлиги янгидан-янги ютуқларга эришишни таъминламоқда.

Илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технология соҳаларининг мавжуд тараққиёти замонавий жамият қиёфасини белгилаб бермоқда. Бу ўз навбатида мустақил ҳаракатланиш имкониятига эга, ўз соҳасининг билимдони бўлган, касбий малакаларни юқори даражада эгаллашган, бой тажриба ва маҳоратга, юқори даражали касбий компетентияга эга кадрларга эҳтиёж туғдирмоқда. Шундай экан, олий таълим муассасаларида кадрларни тайёрлаш жараёнида даврнинг мазкур талабини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

Олий таълим муассасаларида таълим самарадорлигини ошириш, мутахассисларнинг касбий компетентлик даражасини ривожлантириш, раҳбар ва педагог кадрларнинг инновацион фаолиятга йўналтириш, ўқув жараёнида инновацион таълим муҳити ҳамда электрон ахборот таълим муҳитини уйғунлаштириш орқали таълим сифатини ошириш, илғор хорижий

тажрибаларни ўзлаштириш ва меҳнат бозорига рақобатбардош кадрлар тайёрлаш олий таълим тизимини модернизациялашдаги долзарб вазифалар сифатида белгиланди. Бу эса ўз навбатида олий таълим муассасаларидаги инновацион фаолият мазмунини такомиллаштириш асосида ўқитишнинг инновацион шакл ва методлари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш заруратини шакллантирди.

Бугунги кунда касбий таълим тизимида ўқув режа ва дастурлар мазмунини модернизациялаш ва такомиллаштириш, ўқув амалиётига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, электрон ўқув модуллари, электрон ўқув-услубий мажмуалар, мультимедия ишланмаларини яратиш, масофали ўқитиш шакллари жорий этиш орқали таълим сифатини такомиллаштириш, малакали мутахассислар тайёрлашда инновацион фаолиятни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги давр таълим тараққиёти узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида янги йўналиш – инновацион фаолиятни таълим жараёнига олиб чиқди. Зеро, таълимнинг халқаро стандартларга мослигини таъминлаш ва юқори малакали кадрларни инновацион фаолиятга тайёрлаш таълим жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси¹

да белгиланган “Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Инновацион фаолиятни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги” қарори олий таълим муассасаларида ўқитувчилар инновацион фаолиятини ташкил этиш билан бирга бўлажак мутахассисларни ҳам ушбу фаолиятга тайёрлаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Техника ва технологияларнинг юксак ривожланган асри деб юритилаётган XXI асрга келиб, касбий таълим жараёнига инновацияни кенг жорий қилиш масаласига эътибор янада кучайтирилди. Бунинг учун аввало, таълим жараёнида «Инновация», «инновацион фаолият», «педагогик инновация» каби тушунчаларнинг таърифлари, келиб чиқиши ва қўлланиши ҳамда мазкур йўналишда олиб борилган илмий изланишларни ўрганиш лозим.

Инновациялар жуда мураккаб ва кўп ўлчовли бўлганлиги сабабли, турли тадқиқотчилар ушбу тушунча мазмунини тушуниш ва англашда турли ёндашувга эга.

К.Ангеловски инновацияга оид таърифларини таҳлил қилар экан, кўпгина олимлар инновацияни янгилик, янги, янги моделлар, янги ланиш жараёни деб эътироф этганликларини, лекин унинг фикрича инновация бу ўзгариш сифатида устунлик қилишини таъкидлайди. К.Ангеловски "педагогик инновация"ларни тарбия ва таълимни такомиллаштириш ва ривожлантиришга қаратилган ўзгаришлар сифатида белгилайди².

Р.Н.Юсуфбекова “педагогик янгилик” (инновация) тушунчасининг моҳиятинини очиб берар экан, педагогика назарияси ва амалиётида юзага келиши мумкин бўлган ўзгаришларнинг мазмуни (таълим тизимида инновацияларни ўзлаштириш ва уни жорий этиш), аввал учрамаган ҳолатга олиб келади, натижада таълим, тарбия назарияси ва амалиёти ривожланади.

В.А.Сластенин ва Л.С.Подимоваларнинг

фикрича янгилик бу восита бўлиб (янги метод, методика, технология, дастур), инновация эса аниқ бир босқичларни ривожлантирувчи жараён³.

Инновацияларни яратиш, тарқатиш ва жорий этиш (ривожлантириш) жараёни яхлит инновацион жараёни ташкил этади. Муайян таълим муассасасида инновациялар – бу жараённинг бир қисми. Шундай қилиб, одатда, инновация жараёнини инновацияларни яратиш, тарқатиш ва ривожлантириш орқали таълимни ривожлантириш жараёни деб тушуниш керак.

Касбий таълим тизимида ҳар қандай инновациянинг тадбиқ этилиши ёки вужудга келиши таълим жараёнининг айрим соҳаларида вужудга келган муаммоларни ечишга эҳтиёжни туғилиши ёки бутунлай модернизация қилиниши билан боғлиқ бўлади.

Инновацион фаолият – бу алоҳида фаолият туридир. Унинг мақсади таълим самарадорлигини ошириш мақсадида таълим амалиётининг услублари ва мазмунини ўзгартиришдир.

Б.С. Лазарев инновацион фаолиятни янги таълим тизимларини ёки уларнинг айрим қисмларини яратиш, бошқариш ва тарқатиш орқали таълим фаолияти амалиётини мақсадли ўзгартириши сифатида таърифлайди (4-расм). Инновацион фаолият таълим фаолиятдан фарқ қилади. Таълим фаолияти талабаларни ривожлантириш учун хизмат қилса, инновацион фаолият таълим тизимини ривожлантириш учун мўлжалланган⁴.

Касбий таълим соҳасида инновация муайян даврларда турли босқичлардан ўтади. Бу эса инновацияларнинг ҳаёт айланиш даври деб номланади. Инновациялар бир марта пайдо бўлади, ишлатилади ва бир мунча вақт ўтгач, бошқа илғор ижод маҳсули билан алмаштирилади.

Умуман, ҳар қандай инновация жараёни касбий таълим жараёнининг айрим соҳаларида ўзгаришларга эҳтиёжни аниқлаш билан бошланади. Бу эса ихтисослаштирилган илмий ташкилотлар, таълим муассасалари, таълим муассасалари раҳбарлари ва ўқитувчиларининг таҳлилий ишларининг натижаси бўлади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2017. –Б.39.

² К.Ангеловски, Учителя и инновации /К.Ангеловски.-М.:Просвещение, 1991.-159с

³ Сластенин, В.А., Подымова,Л.С.Педагогика: инновационная деятельность/ В.А. Сластенин, Подымова.-М.:ИЧП (издательство Магистр). 1997.-224с

⁴ Лазарев, В.С. управление инновациями в школе:учеб. Пособие /В.С.Лазарев.-М.:Центр педагогического образования, 2008.-352с.

КОМПЕТЕНТЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК ИЖОДКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТИЗИМИ

О. ҚЎЙСИНОВ

Низомий номидаги ТДПУ доценти

Аннотация. Мақолада бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик ижодкорликларини ривожлантиришда педагогик тизимлар, компетентлик тузилмаси, педагогик шарт-шароитлар ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: касбий-педагогик ижодкорлик ва қобилиятлар, тизим, муҳит, ижтимоий-индивидуал, ижтимоий-фуқаролик, коммуникатив компетентлик, ахборот компетентлиги.

Аннотация. В статье рассматриваются педагогические системы, структура компетенций и педагогические условия развития профессионально-педагогического творчества будущих профессиональных педагогов.

Ключевые слова: профессионально-педагогическое творчество и способности, система, среда, социально-индивидуальная, социально-гражданская, коммуникативная компетентность, информационная компетентность.

Annotation. The article discusses pedagogical systems, competence structure, and pedagogical conditions for the development of professional and pedagogical creativity of future professional teachers.

Key words: professional-pedagogical creativity and abilities, system, environment, socio-individual, socio-civic, communicative competence, information competence.

Жамиятда амалга оширилаётган ислохотлар талабларига тўла жавоб берувчи, ишлаб чиқариш соҳасида юзага келган рақобатга бардошли, кескин ўзгаришларга мослаша олувчи, шунингдек, меҳнат бозорида мутахассислар малакасига қўйилаётган талаблар даражасида самарали фаолият юритувчи шахсни шакллантириш долзарб муаммо эканлиги сир эмас. Бу борада Давлат таълим стандартларида касб таълими ўқитувчиларига қўйиладиган талаблар билан бир қаторда бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантиришнинг педагогик тизимини ишлаб чиқишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Педагогикада педагогик ижодкорлик динамикаси ҳодиса, мураккаб очик тизим, шахсининг ҳаётий дастури сифатида намоён бўлади. Замонавий ижодкор ўқитувчи педагогик фаолиятнинг репродуктив усули ва ижодкорликдан бирини танлашда нафақат ўзлигини, ҳаётий мақсадларини рўёбга чиқаради, у ўзини сифат жиҳатидан ўзгартиради, психологик тўсиқларни енгади, касбий аҳамиятли сифатларини ривожлантириш имкониятларини қи-

диради, ўз педагогик концепциясини ишлаб чиқади. Умуман олганда, ўқитувчининг педагогик фаолияти учун биринчидан, инновацион йўналтирилган, иккинчидан, ижодкорлик фаолияти жараёнида индивидуаллик сифатида ўзига йўналтирилганлик хос бўлади.

Таълим жараёнини компетентли ёндашувга йўналтириш таълимда методик шарт-шароитларни, янги педагогик технологияларнинг мазмуни ва қўлланишини қайтадан кўриб чиқиш ва ишлаб чиқишни талаб этади. Шу билан бирга, компетентликни билимларга ёки кўникма ва малакаларга қарама-қарши қўйиш ҳам мумкин эмас. Компетентлик тушунчаси билим, кўникма ёки малака тушунчаларига нисбатан кенгроқ, компетентлик уларни таълим натижаси сифатида ўз ичига олади (лекин бунда компетентлик билим, кўникма ва малакаларнинг оддий йиғиндиси эмас, бир мунча бошқачароқ мазмундаги тушунчадир). Компетентлик тушунчаси нафақат когнитив ва операцияли технологик, балки, мотивацион, ахлоқий, ижтимоий таркибий қисмларни ҳам ўз ичига олади.

Компетентликка йўналтирилган таълим-

нинг метод ва технологиялари маълум бир шароитларда шакллантирилган қобилиятларнинг бошқа бир шароитларга осон кўчиши ва мослашувчанлигини таъминлаши керак, яъни “ноадаптив фаоллик” хусусиятини ҳосил қилиши керак.

Шуни таъкидлаш керакки, олий таълим муассасаси ўқитувчисининг энг муҳим вазифаси талабаларнинг касбий компетентликларини барқарорлаштириш, тўлдириш ва трансформациялаш механизмлари бошқариш имкониятларини босқичма-босқич тарбиялаш учун педагогик шароитларни яратишдан иборат. Шароитларни ошириб бориш босқичлари қуйидагича: талабанинг фаолиятини ўқитувчи бошқариши – ўқитувчи ва талаба томонидан касбий компетентлик иш механизмларининг биргаликда бошқарилиши – бўлажак мутахассиснинг касбий жиҳатдан ўз-ўзини ривожлантиришни ўзи бошқариши тушунилади.

Компетентли ёндашув таълим сифатини баҳолаш учун ҳам жуда муҳим ҳисобланади, чунки, таълим олувчи томонидан эришилаётган асосий таълимий натижа – компетентлик ҳисобланади, унинг асосий кўрсаткичлари эса, бир томондан таълим стандартларининг меъёрий талабларига мувофиқлиги, иккинчи томондан, шахснинг ва турли ижтимоий гуруҳларнинг эҳтиёжларига мослигидир.

Касбни ўргатишга йўналтирилган “фанга оид махсус компонент”нинг алоҳида аҳамиятга эгалиги ва кенгроқ тузилганлиги ҳисобига касб таълими ўқитувчисининг касбий компетентлиги мураккаброқ ҳисобланади ва қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- ижтимоий компетентлик, ҳар бир замонавий одам учун муҳим бўлган индивиднинг ўз турлича ижтимоий қарашларини ифодалаш имконини берувчи; ижтимоий компетентлик ҳар бири мустақил компетентлик сифатида қаралиши мумкин бўлган кўплаб жиҳатлар – таркибий қисмларни ўз ичига олади (ижтимоий-фуқаролик, ижтимоий-коммуникатив, ахборот компетентлиги ва ижтимоий-индивидуал компетентлик);
- касбий-меҳнат компетентлиги ўз ичига қуйидагиларни олади:

- умумкасбий (муҳандислик-техникавий) компетентлик, тегишли касб ва соҳанинг умумтехник, иқтисодий, ҳуқуқий, экологик, ахлоқий ва бошқа жиҳатлар билан боғлиқ бўлган масалаларининг кенг доирасида бемалол фикр юрита олишликни кўзда тутати;

- психологик-педагогик компетентлик, мазкур соҳа бўйича мутахассиснинг компетентлиги тузилмасида марказий ўринни эгаллайди ва ўз навбатида бир қатор компонентларни ўз ичига олади (методологик, методик, махсус-психологик);

- соҳага оид компетентлик, тегишли касбнинг умумий назарий асосларини билиш, унда қўлланиладиган ва доимо ўзгариб, янгилашиб турадиган технологияларни яхши билиш ҳамда фойдалана олиш ва ҳоказоларга тегишли бўлади;

- тизимли компетентлик, компетентлик тузилмасида тизимни ҳосил қилувчи элемент ҳисобланади, чунки у компетентликнинг бошқа барча мазмуний компонентларини шакллантиришнинг зарурий шарти ва асосий омили ҳисобланади.

Тизим – ўзаро боғлиқликда бўлган ва тартибли равишда жойлашган қисмлар бирлигини ифодаловчи яхлитликдир. Тизим ҳақида гапирилганда “тизим” ҳамда “муҳит” тушунчаларининг ўзаро нисбатини қараб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Муҳит барча тизимларнинг мужассамлашуви бўлиб, у тадқиқ қилинаётган, ажратиб олинган ва айни вақтда атрофимизни ўраб турган оламнинг бизни қизиқтираётган қисмидан ташқарида ётади. Бундан хулоса чиқариш мумкинки: тизим – бу қандайдир йўл билан муҳитдан ажратиб олинган объектлар тўпламидир.

Тизим ва муҳит ўртасида ўзаро алоқалар мавжуд бўлиб, улар ёрдамида муҳит ва тизимнинг ўзаро таъсирлашуви амалга ошади. Тизим ва муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатни қуйидагича тасаввур этилади.

Тизим ва ташқи муҳит ўртасидаги ўзаро алоқаларни берилган вазиятдаги аҳамиятига кўра битта қирувчи ва битта чиқувчи алоқа сифатида тасаввур қилиш мумкин. Бунда тизим ва муҳит ўртасидаги қирувчи ва чиқувчи

алоқа давомида таълим олувчи, талаба ресурс сифатида муайян педагогик тизимнинг якуний маҳсули мутахассис сифатида шаклланиб, маданий ва ижтимоий муҳитда фаолият кўрсатиш учун сафарбар этилади.

Тизим ва муҳит ўртасидаги алоқадорликни ўрганиш кўрсатдики, муҳит тизимга ресурсларни етказиб беради, тизимдан эса фаолиятнинг якуний натижасини қабул қилиб олади ва истеъмол қилади. Шуниси эътиборлики, тизимнинг фаолият натижалари принципиал жиҳатдан муҳитда яратила олмайди, яъни тизим муҳитга ўз эҳтиёжларини кондирш манбаи сифатида керак бўлади.

Педагогик тизимларни таҳлил қилиш икки категорияда амалга оширилади: субъектлар, яъни улар ўзаро таъсирлашиб, тизимнинг мавжудлигига асос бўлувчи мақсадга эришиш учун хизмат қилади ва объектлар, яъни улар билан таъсирлашув натижасида субъектлар шахсий функцияларини амалга оширади. Бунда таълим олувчи, яъни талабалар педагогик тизимнинг субъектлари, таълим мазмуни эса унинг объектлари бўлиб ҳисобланади. Таълим мазмуни таълим олувчи онги ёрдамида ўзлаштирилади ва ўзгартирилади, шахс томонидан ўқув фаолияти жараёнида дунёқарашга, кадриятлар ва моҳиятлар, эътиқодлар, тасаввурлар, билим ва кўникмалар тизимига айланттирилади. Юқорида кўрсатилган тизимнинг шаклланиш босқичларининг муаммоли вазиятда қўлланилиши: тизимнинг мақсади, меҳнат фаолияти, меҳнат функциялари ва ту-

зилмасини аниқлаш ташқи муҳит томонидан чегараланган шароитда фаолият кўрсатувчи реал тизимларнинг эталони бўлиб хизмат қила оладиган ташкилий-методик тизимни яратиш имконини беради. Бунда тизим – мақсадга мувофиқ фаолият кўрсатувчи тузилма бўлиб, у муайян ташқи муҳитда муаммоли вазиятни ҳал этиш имконига эга бўлади. Тизим бу - маълум бир ташқи шарт-шароитда муаммоли вазиятларни ечиш мақсадига қаратилган меҳнат фаолияти, функцияси ва тузилмаси эканлигини айтиш жоиз бўлади.

Тизимларни унинг ичида ҳамда ташқи муҳит билан ахборотларни узатиш, қабул қилиш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш нуқтаи назардан тадқиқ қилиш ҳамда лойиҳалашга тизим-ахборотли ёндашув деб аталади.

Юқорида ўрганилган тизимли ёндашувнинг асосий тушунча ҳамда илмий хулосалари, тизимларни анализ ва синтез қилишдаги мантиқий ҳаракатларнинг келтирилган кетма-кетлиги, тизимли ёндашувнинг биринчи методологик вазифасини ташкил қилади, яъни тизим сифатида тадқиқ қилинадиган ҳамда лойиҳаланадиган объектларни тасаввур қилиш учун воситаларни таъминлаб беради.

Юқорида санаб ўтилган касбий-педагогик фаолиятлар педагогик тизим ичида кечадди, лекин бу тизим фаолиятининг самарали бўлиши учун уни ўраб турган муҳит, яъни ижтимоий-маданий муҳит талаб даражасида бўлиши зарур.

Компетентликнинг тузилмаси, компонентлари ва моҳиятига оид белгиларига кўра таққослаш

Компетентликнинг тузилмаси компоненти	Компетентликнинг моҳиятига оид белгиси
Когнитив (фан соҳасига оид билимлар мажмуи бўлиб, улар асосида компетентлик шакллантирилади)	Муайян фан соҳасига оид билим, кўникма ва малакалар
Фаолиятга оид (амалий тажриба)	Мустақил фаолиятга оид амалий тажриба
Операцион-технологик (вазифаларни амалий ҳал этиш кўникмалари ва малакалари мажмуи)	<ul style="list-style-type: none"> ҳар қандай муайян вазиятда, унинг турли хил жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда билимларни ўз ўрнида ва тезкорлик билан тўғри қўллай билиш; қарорларни қабул қила билишга қодирлик ва тайёрлик, шу билан бирга, мазкур вазият учун энг мақбул қарор вариантини танлай олиш;

КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ БОШҚАРУВ ХОДИМЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Б.ИЛХОМОВ

КХТТИРПКМОУҚТ институти таянч докторанти

Аннотация. Ушбу мақолада касб-хунар таълими муассасалари бошқарув ходимларининг иқтисодий компетентциясининг мазмуни ва уларни ривожлантиришга асосланган ҳамда таълим муассасалари бошқарув ходимларининг иқтисодий компетентияларини ривожлантириш бўйича тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: иқтисодий компетенция, компетентлик, малака талаблари, иқтисодий билимлар, молиявий ҳўжалик-фаолиятга оид вазифалар.

Аннотация. В статье обоснованы необходимость развития экономической компетентности управленческих работников среднего специального профессионального образования, а также рекомендации по совершенствованию экономической компетентности.

Ключевые слова: экономическая компетенция, компетентность, квалификационные требования, экономические знания, задачи финансовой-хозяйственной деятельности.

Annotation. The article substantiates the need for the development of economic competence of managers of secondary vocational education, as well as recommendations for improving economic competence.

Key words: economic competence, competence, qualification requirements, economic knowledge, tasks of financial and economic activity.

Ўзбекистонда таълим соҳасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мазкур ислоҳотларни амалга оширишда иқтисодиёт тармоқлари учун юқори малакали замонавий кадрларга эҳтиёж юқори даражада албатта. Ўз навбатида мазкур жараён таълим муассасалари раҳбар ходимларига жиддий масъулият юклайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”-нинг 4.4 бандида “узлуксиз таълим тизими янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш” га эътибор қаратилганлиги, ушбу йўналишнинг долзарблигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизими тубдан такомиллаштириш чора-тадбир-

лари тўғрисида»ги ПФ-5313-сон Фармонида касб-хунар таълими соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимининг муҳим вазифалари этиб, жумладан қуйидагилар белгиланди:

- кадрларга бўлган реал эҳтиёжни, иш беврувчи корхоналарнинг таклифларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари учун зарур мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича касб-хунар коллежлари фаолиятини мувофиқлаштириш;
- етакчи маҳаллий ва хорижий таълим муассасалари билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, замонавий инновацион ўқув лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш учун касб-хунар таълими соҳасига юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб этиш;
- мамлакат иқтисодиётини янада ислоҳ қилиш, уни барқарор ўстириш ҳамда модернизациялаш жараёнларида самарали иштирок этишга қодир бўлган кадрларни тайёрлаш мақсадида ўқув жараёнига инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни фаол қўллаб касб-хунар

таълими ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро яқин ҳамкорлигини таъминлаш;

- юқори самарали ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва инновацион технологияларга асосланган парклар билан жиҳозланган касб-хунар коллежларининг замонавий моддий-техника базасини шакллантириш ва янада мустаҳкамлаш, ундан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш.

Албатта бу борада юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун зарур шароит ва муҳитни таъминлаш, касб-хунар таълими тизими раҳбар ходимларининг асосий вазифасидир.

Касб-хунар таълими тизимида замонавий фикрлайдиган, иқтисодий муаммоларни ўз вақтида мустақил ҳал эта оладиган, ечим топа оладиган, инновацияларни қувватловчи, иқтисодий билимга эга раҳбар ходимларга талаб ортиб борар экан, бу ўз навбатида малака ошириш курсларида касб-хунар таълими тизими раҳбар ходимларининг профессионал компетенцияларини, жумладан иқтисодий компетенцияларини ривожлантиришни тақозо этади.

Ҳозирги кунда таълим соҳасида “компетенция” ва “компетентлик” тушунчалари кенг қўлланилмоқда ва тадқиқ қилинмоқда. Хорижий давлатлар, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари ва мамлакатимиз олимлари томонидан “компетенция” ва “компетентлик” тушунчалари кенг тадқиқ қилинган бўлсада, уларнинг ягона таснифи мавжуд эмас.

Компетенция шахс сифати ёки хислати, компетентлик эса шу сифат ёки хислатнинг амалда намоён бўлишидир деб қарайдиган бўлсак, мазкур тушунчалар ва уларнинг таркибий қисмлари билан боғлиқ масалалар кўп тадқиқотчилар томонидан тадқиқ қилинган.

Жумладан, иқтисодий компетенция тушунчаси юзасидан қуйидагича қарашлар шаклланган:

Т.С.Терюкованинг илмий тадқиқотида компетенция тушунчаси маълум соҳада билим, кўникма ва муносабатларнинг комбинацияси сифатида изоҳланган[4]. Бошқача қилиб айтганда, компетенциялар - компетентлийлик

парадигмасида, эгалланган билимларга фаол шакл бериш (билимни “нима” шаклидан “қандай” шаклга ўзгартириш)да, шахсий тажриба сифатларини “ўрганганлиги”ни изоҳлайди. Иқтисодий компетенциялар иқтисодий тизимда мослашиш учун зарур бўлган назарий билимлар ва амалий кўникмалар мажмуи билан аниқланади.

Е.Н.Хаматнурова ўз илмий ишларида [5] иқтисодий компетенция тушунчасини иқтисодий билим ва кўникмаларни ўзлаштириш, шахснинг иқтисодий муҳим сифатларини шакллантириш, иқтисодий фикрлаш, ижтимоий-иқтисодий муносабатларга кириша олиши натижаси сифатида кўриб чиққан.

Б.З.Баходированинг илмий изланишларида иқтисодий компетенцияларни инновацион таълим технологияларини қўллаган ҳолда ўқитишни ташкил этиш асосида шакллантириш ёритилиб, коммуникативлик (музокаралар олиб бора олиш, мулоқотда ўзи учун мақбул позицияни аниқлай олиш) нинг муҳимлиги изоҳланган.[6]

Таълим муассасаси раҳбарининг иқтисодий компетенцияси унинг муайян вазифаларни самарали ҳал этиш имконини берувчи профессионал компетенциясининг таркибий, тизим ости компетенцияси сифатида Е.А.Варкина томонидан таърифлаган ва таълим соҳаси раҳбар ходимлари иқтисодий компетенциясининг моҳиятини очиб беришда унинг қуйидаги таркибий компонентлари изоҳлаб берилган: билиш (фаолиятнинг асосини ташкил этувчи иқтисодий билимлар мажмуи, аниқ иқтисодий вазиятларни таҳлил қила олиш, мақбул қарорларни танлай олиш...), фаоллик (иқтисодий муаммоларга ечим топа олиш, иқтисодий билимларини амалий вазиятларда қўллай олиш.....) мотивацион (мақсадлар мажмуи, шахсий аҳамиятга эга кадриятлар, фаолият йўналишининг муҳим хусусиятлари...) ва шахсий (интеллектуал, шахсий ирода, сифатлар) [7].

В.В.Сафонова томонидан эса таълим муассасаси раҳбарининг (менеджерининг) иқтисодий компетентлиги таркиби сифатида: ўқув-тарбия, бошқарув, маркетинг, кадрлар, молиявий, тадбиркорлик, маъмурий-иқти-

содий ва ҳуқуқий фаолиятлар ёритилиб, таълим муассасаси раҳбарининг иқтисодий компетентлиги асосини фақатгина иқтисодий билимлар эмас шунингдек, иқтисодий кўникмалар ва малакалар ҳам ташкил этиши ёритилган [8].

Маълумки, таълим муассасалари раҳбар ходимлари ўқув жараёнини бошқариш, уни ташкил этиш билан биргаликда таълим муассасасининг молиявий ва хўжалик масалаларини ҳам юритиши ўта муҳимдир. Мазкур вазифалар Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2016 йил 25 июлдаги 210-сонли буйруғи билан “Ўрта махсус, касб-хунар таълими асосий лавозимларининг тармоқ тариф-малака маълумотномаси” билан тасдиқланган. Мазкур буйруққа биноан касб-хунар коллежлари директорларининг лавозим вазифаларида таълим муассасасининг молиявий ва хўжалик масалаларини ҳал этиш, бюджет ва бюджетдан ташқари молиявий маблағларни шакллантириш ва улардан самарали фойдаланишини таъминлаш, таълим муассасасининг моддий-техник базасини ривожлантириш ишларини ташкил этиш, штат жадвалини тасдиқлаш, ходимларни рағбатлантириш шунингдек, мукофотлар ва моддий ёрдамларни тайинлаш вазифалари белгиланган.

Кўпгина касб-хунар таълими тизими раҳбар ходимларининг таянч мутахасислиги иқтисодий соҳа бўлмаганлиги сабабли, уларнинг профессионал фаолиятида молиявий иқтисодий масалалар бўйича билим (билиш компоненти, малакаси) муҳим ўрин тутди.

Раҳбар таълим муассасаси номидан фаолият юритар экан, унинг манфаатларини учинчи шахслар олдида ифодалайди, битимлар тузади. Муассаса шахсий ҳисоб варақларини очиш ва юритишни, бюджетга солиқлар ва йиғимларни ўз вақтида ўтказилишини таъминлайди. Ходимларнинг ўз вазифаларини бажариши учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради, кўрсатмалар беради ва шу кабилар. Мазкур вазифаларни бажаришда албатта раҳбар тегишли қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек муассаса уставида белгиланган ваколатлар доирасида фаолият

юритиши лозим.

Фикримизча, касб-хунар коллежи директорлари қуйидаги иқтисодий билимларга эга бўлишлари керак:

- Хўжалик ҳисобида, Вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимиятлар буюртмалари асосида фаолият юритадиган касб-хунар таълим муассасаларини молиялаштириш тартиблари;
- Касб-хунар таълим муассасаларида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, хизмат сафари харажатлари, ўриндошлик ҳамда касбларни қўшиб олиб борилишида меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқа тўловлар юзасидан амалдаги меъёрий ҳужжатлар мазмуни;
- Касб-хунар таълими тизимида молиявий ресурсларни режалаштириш ва бошқариш усуллари;
- Касб-хунар таълим муассасалари молиявий мустақиллигини таъминлашда бюджет ва бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан штат-смета харажатларини шакллантириш жараёнлари ва тартиблари;
- Давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари мазмуни;
- Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси билан муносабатлар;
- Касб-хунар таълим муассасалари ходимлари ва педагог ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш юзасидан мукофотлар бериш, ижтимоий ҳимоя юзасидан моддий ёрдам тўловларини амалга ошириш тартиблари;
- Касб-хунар таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари ва ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш йўналишлари;
- Давлат-хусусий шерикликнинг мазмун ва моҳияти;
- Касб-хунар таълим муассасаларида таълим хизматлари, ишлаб чиқариш, иш-хизмат фаолиятларини калькуляциялаш мезонлари;
- Касб-хунар таълим муассасаларида солиқ, ғазначилик муносабатлари, баланс-лийлик, даромад, харажат, фойда тушун-

чалари;

- Касб-хунар таълим муассасаларида молиявий маблағларни юритиш автоматлаштирилган тизими тезкор маълумотларидан фойдалана олиш;
- ва энг мухими, пировард натижада таълим муассасаси фаолиятининг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш омилларини тўлиқ тушуниш ва амалга ошира олиши зарур.

Таълим муассасаларининг иқтисодий барқарорлигини, уларнинг молиявий мустақиллигини ошириш билан боғлиқ касб-хунар таълим муассасаларининг амалдаги мақомининг ўзгариши ва мазкур жараёнда молиялаштириш тартиб-тамоилларига ҳам ўзгартиришлар киритилиши, касб-хунар таълими бошқарув ходимларининг иқтисодий компетенцияларини ривожлантириш заруритини янада долзарб масалага айлантириб, уларнинг иқтисодий билим, кўникма ва малакаларига янги талабларни келтириб чиқармоқда.

Хулоса ўрнида ўрганилган адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар ва изланишлар натижа-

сидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Касб-хунар таълими тизими раҳбар ходимлари малака ошириш курсларида педагогик жараёнга ахборот технологияларини қўллаган ҳолда ижодий, инновацион, креатив ёндашувни ривожлантириш;

Илмий ва илмий-методик семинарлар, конференциялар, тажриба орттириш, вебинарлар ташкил этиш орқали касб-хунар таълими тизими раҳбар ходимларининг бошқарув, шу жумладан иқтисодий соҳадаги билим, кўникма ва малакаларини узлуксиз равишда ривожлантириб бориш;

Касб-хунар таълими тизими раҳбар ходимларининг иқтисодий компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган махсус, мақсадли курсларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

Касб-хунар таълими тизими раҳбар ходимларининг инновацион фаолиятларини қўллаб қувватлаш, уларнинг креатив фикрлашларини мотивациясини таъминлаш механизмларини жорий этиш лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5313-сон фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3504-сон қарори
3. Терюкова Т. С. – 2011, «Экономические компетенции: сущность, структура место в системе ключевых компетенций». Журнал «Экономика в школе» // 2009. № 3-4. С. 42–47
4. Хаматнурова Е.Н. – 2016, «Экономическая компетентность педагога: современный аспект». <http://lib2.znate.ru/docs/index-339271.html>
5. Тайлаков Н. И., Баходирова З. Б. “Формирование основ экономической компетентности у учащихся профессиональных колледжей” // Научный журнал “Молодой учёный” № 9 (89) / 2015. -С. 1188-1190.
6. Е.А.Варкина, «К вопросу о структуре экономической компетентности руководителя образовательного учреждения» // Вестник КГУ, им.Н.А. Некрасова – 2008. Том 14
7. С.В. Викторова “Формирование экономической компетентности менеджера образовательной организации” // Сборник материалов II Республиканской научно-практической конференции “Проблемы и перспективы развития профессионального образования в условиях перемен” 2018. Том1. – С. 193-198.
8. Касб-хунар таълими марказининг 2019 йил 07 февралдаги 75-сон буйруғи билан тасдиқланган “Молиявий ресурсларни режалаштириш ва бошқариш” модули бўйича намунавий ўқув дастури.

ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР БОЛАДА КАСБ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Г.АЛТИБАЕВА

Термиз давлат университети ўқитувчиси,

М.УМБАРОВА

Термиз давлат университети талабаси

Аннотация. Мақолада оилавий муносабатларнинг болада касб кўникмаларини шакллантириш, унинг келажакда ҳаётдаги ўрни педагогик-психологик жиҳатдан очиб берилган. Оталар фарзандининг тўғри касб танлашида эъбор бериши лозим бўлган жиҳатлар кўрсатилган ва бир қатор тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: оила, муносабат, мулоқот, муҳит, характер, қизиқиш, индивидуал психологик хусусият, касбий кўникма.

Аннотация. В статье рассматриваются педагогические и психологические аспекты воспитания детей, то есть формирования семейных отношений в личности ребенка, его роли в выборе будущей профессии. Дано рекомендаций для родителей, которые им необходимо учитывать при выборе правильной профессии.

Ключевые слова: семья, отношение, общение, среда, характер, интерес, личность, психология, профессиональное мастерство.

Annotation. The article discusses the pedagogical and psychological aspects of the upbringing of children, that is, the formation of family relations in the child's personality, its role in the choice of a future profession. Recommendations for parents are given, which they need to consider in the choosing the right profession.

Key words: family, relationship, communication, environment, character, interest, personality, psychology, professional skills.

Оилада ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатларни тўғри йўлга қўйиш оилавий муносабатларда соғлом муҳитнинг юзага келиши, болалар тарбиясининг тўғри олиб борилиши, уларда ижобий фазилатлар ва индивидуал-психологик хусусиятларнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатади.

Оилавий муносабатларда шахслараро муносабатларнинг издан чиқиши болалар тарбияси ва уларнинг шахс сифатида шаклланишига салбий таъсир кўрсатади, болалар билан тўғри муносабатга киришиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, таъсир доираси ижтимоий доира каби кенг оила болаларни ватанга муҳаббат, меҳнатга ва халқ бойликларига онгли муносабат, нуқсонларга мурасасизлик руҳида тарбиялаш учун катта имкониятларга эга, бу эса боланинг ҳиссиёти ва эмоционал ҳолатларини тарбиялашда

муҳим аҳамият касб этади.

Ота-оналар ёки оиланинг катта ёшли аъзолари зерикарли панд-насихатлар ўрнига болалар билан ҳамфикр, дўстона муносабатда бўлсалар, уларда ўз-ўзини баҳолаш, берилган топшириқларга масъулият билан ёндашиш ҳиссининг шаклланиши кабилар юзага келади. Оилада болаларга таъсир этиш сифатини янада ошириш учун катта ёшли кишиларнинг болага қўядиган талабларидан яна бири сўз билан ишнинг бир бўлиши лозимлигидир. Оилада бундай бирликнинг бўлмаслиги бола хулқ-атворида салбий таъсир кўрсатиши ва унда салбий кўринишдаги сифат ва хусусиятлар, муносабатлар шаклланишига олиб келиши мумкин.

Бола кичиклигида катталарга тақлидчан ва итоаткор бўлади – катталар нимани буюрса, шуни бажаради, айтганларидан чикмай-

ди. Улғайган сари унинг ақли кўп нарсага етадиган бўлиб боради. Энди у баъзи масалаларда катталар билан келиша олмайди, ўз фикрида туриб олади. Бундай ҳолатни катталар одобсизлик, ўжарлик, ўзбошимчалик деб тушуниб, уни жазолашга уринадилар, лекин бундай ноҳақлик билан бола қалбини жароҳатлайдилар, натижада ота-она ва бола ўртасидаги меҳр-муҳаббат, ишончнинг йўқолиши юзага чиқади.

Ота-она ва болалар ўртасидаги ижобий муомала муносабатларини юзага келтириш кўп жиҳатдан ота-оналарнинг ўз болаларини, уларнинг феъл-атвори, характер хислатлари, қизиқишлари кабиларни билишларига боғлиқдир. Шу жиҳатдан ҳам, ҳар бир ота-она, энг аввало, ўз фарзандларини индивидуал психологик хусусиятлари (темперамент, характер, қизиқиш) хоҳиш-истаклари, эмоционал ҳолатларини билишлари ва шу асосда муомала-муносабатда бўлишлари лозим. Юқорида таъкидлаганимиздек, ота-оналар ўз фарзандлари билан муомала-мулоқот муносабатига киришишида фарзандларининг ёш индивидуал психологик хусусиятларини ҳам инобатга олишлари ўта муҳимдир.

Демак, боланинг хулқи ва дунёқарашининг шаклланишида оилада қарор топган соғлом муҳит, аввало, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, ҳамкорлиги, оилавий қадриятларни эъзозлашига боғлиқ. Бундай ҳолатларни тўғри талқин этиш ҳар бир ота-онанинг ёки оила аъзоларининг психологик саводхонлик даражасидан ҳам келиб чиқади.

Ҳар бир инсон ўзига хос психологик жиҳатдан ўз-ўзини йўналтира олса, албатта, маънавий тушунчаларни ўзида таркиб топтира олади. Бу борада қуйидаги тавсияларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- оила аъзоларининг маънавий психологик билим ва кўникмаларни эгаллаши;
- ўзаро мулоқотчанлик доирасини кенгайтириш;
- оилавий қадриятларни асраб авайлаш;

- оиладаги таълим-тарбия ишларида ота-онанинг ўзаро ҳамфикрлилик, ҳамкорлик фаолиятини ошириш;
- оила, маҳалла, мактабнинг узвийлигини таъминлаш;
- давр талабига мос равишда болаларга имкониятлар яратиб бериш.

Таъкидлаш жоизки, фарзанд мактаб, коллеж, академик лицейни тугатиш арафасида ота-онанинг ташвиши ортади. Фарзандим қайси касбни танлаши, уни бирор касбни танлашга мажбурлашим керакмикин?, – деган саволлар қийнайди, бунинг учун юқоридаги фикрларга қўшимча тарзда қуйидагиларга амал қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади:

Чунончи: боланинг қизиқишларини инобатга олиш шарт. 15 ёшга етган боланинг қизиқишу қобилиятлари анча намоён бўлиб қолади. Ана шу қизиқишларни рағбатлантириш, истеъдодини ривожлантириб бориш муҳим; касб боланинг хусусиятлари, қобилиятига мос бўлиши керак. Масалан, адабиётдан яхши ўқиса, ундан физик чиқмаслиги мумкин, спортда кўрсаткичлари юқори бўлса, иншони яхши ёза олмас. Хуллас, боланинг кучли тарафларига эътибор бериш лозим. Албатта, уни ҳам, буни ҳам эплайдиганлар учрайди, аммо доим эмас. Танладиган касбга меҳнат бозорида талабнинг мавжудлиги (юқорилиги). Одамлар фақат қобилиятларини ўстириш учун эмас, пул топиш учун ҳам ишлашади. Демак, қайси касбга одамлар қанча пул беришга тайёр, шуни таҳлил қилиш муҳим; оиланинг моддий аҳволи. Масалан, яшаётган ҳудудда маълум касбга тайёрлайдиган таълим муассасаси йўқ, бунинг учун болани катта шаҳарга жўнатиш керак. Бунга қурбингиз етадими, кабилар.

Яна бир жиҳат, ота-оналар ўз фарзандларига қуйидаги мавзуларда суҳбатлар уюштириб туриши, ўзининг ижобий натижасини беради:

1. «Ким бўлмоқчисан?» – бу йўл-йўлак бериладиган савол эмас. Фарзандимиз

билан бафуржа ўтириб, келажакда танлайдиган касби ҳақида гаплашиб олиш.

2. Агар фарзандимиз касб танлашда иккиланган, ёки бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаган бўлса, унда бунинг сабаби билан қизиқиш керак. Балки кўрқаётгандир, ўзига ишонмаётгандир. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ота-онанинг мадад беришига ишонтириш муҳим.

3. Мактабнинг сўнгги йилларида таътил кунлари болани у ёки бу касбга жалб қилиш мумкин: устага шогирд тушсин, тайёрлов курсларига қатнасин.

4. Агар боламиз танлаган йўналиш ота-онага ёқмаса, асло таъқиқ, тазйиқ ва пўписа йўллари танламаслик керак. Фарзандимиз нега айнан шу касбни танлади? Албатта, сабаби билан қизиқиш лозим. Болада иштиёқ бўлгани билан, тажрибасизлиги туфайли хато қилиши мумкин. Аммо буни тушунтириш керак. Боламизни бошқа касбни танлашига мажбурлашимиз, унинг келажакда ўз касбининг устаси бўлишига тўсқинлик қилади.

5. Агар 14-15 ёшлардаги фарзанд бирор амалий иш қилмай, фақат орзуга берилса, мақсадини аниқлаштириш ва унга эришиши учун аниқ режа тузишига ёрдам бериш ҳам муҳим.

6. Борди-ю фарзандимиз ўзи танлаган йўлда муваффақиятсизликка учраса, захира варианты бўлиши ҳам фойдадан холи эмас.

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, ота-оналар болага касб танлашда ёрдам беришлари мумкин, бироқ, унинг ўрнига танлаб беришлари керак эмас. Илгари болалар 11-синфни битиргунча касб борасида бир тўхтамга келсалар бўлди эди. 15 яшар бола билан 17 яшарнинг фикрлаши ўртасида фарқ бор, албатта. Ҳозир болаларимиз эрта-роқ касб танлашлари керак экан, бу ўринда ота-оналарнинг иштироки кўпроқ бўлади, албатта. Аммо бу иштирок босим ёки тазйиқ эмас, маслаҳат, муҳокама ва йўналтирув тарзида бўлмоғи керак. Хато қилади, деб кўркманг. Хато ҳам керак, сабоқ бўлади. Ҳали ёшқу, хатони тўғирлашга вақти бўлади. Энг

ёмони, ҳар куни ўзи истамаган ишни қилиш. Бундан бола на моддий манфаат, на маънавий хузур олади. Шунинг учун унга ёрдам беринг, холос. Касб танлашдаги иштирок ва масъулият ота-она ҳамда фарзанд ўртасида 60/40, узоғи 50/50 нисбатда тақсимланиши керак. Албатта, кўпроқ масъулият ва истак бола томонида бўлади. Боланинг тўғри касб танлаши ота-онаси билан ўртада ишонч, оилавий муҳит барқарор бўлган шароитдагина амалга ошади.

Демак, ота-онанинг вазифаси болага тайёр қарорни тикиштириш эмас, унинг ўзи қарор қабул қилишига ёрдам бериш экан, буни қуйидагича амалга ошириш лозим:

- касблар рўйхати ва характеристикасини бир қоғозга ёзиб чиқинг. Инсон касб танлар экан, нафақат тирикчилик воситасини, балки ҳаёт тарзи ва ижтимоий муҳитни ҳам танлайди. Бола бўлажак касби қайси талабларга жавоб бериши кераклиги устида бош қотирсин (кўп пул келтирсинми, тезроқ мансаб пиллапояларида илгарилаш имкони бўлсинми, касби элга танитсинми ва ҳ.к). Бу келажакдаги мақсадларни аниқлашга ёрдам беради;

- қандай касблар бор? Қайси касб эгаси нима иш қилади, деган саволларга жавоб изланг. Биз, масалан, шифокор, ўқитувчи, журналист, новвой каби кенг тарқалган касбларни биламиз. Лекин, тор ихтисосликлар борки, уларга доим талаб мавжуд: олайлик, машина курувчилари, микробиологлар, наномухандислар ва ҳоказо. Шулар ҳақида ҳам қизиқиб кўринг;

- касблар борасида ахборот тўпланг, фарзандингиз билан биргаликда меҳнат бозори ҳақидаги маълумотларни ўрганинг. Бунда сизга турли маълумотномалар, ишга таклиф эълонлари ёзилган даврий нашрлар ва интернет сайтлари ёрдам беради. Касбларнинг истиқболини ҳам ўйланг: бугун керак бўлган соҳага 10 йилдан сўнг талаб тушиб кетиши мумкин. Шуни ҳам ҳисобга олинг;

- куруқ суҳбатлар билан чекланиб қо-

VIII. Шахс сифатлари: ўқувчиларга меҳр-оқибатли, меҳнатсевар, амалий ақл-заковатда устувор, барқарор (қатъиятли); бошқалар дардини ҳис қила олиш ва ёрдам бериш; тиришқоқлик; камтарлик; юмор ҳиссига эгалик; мустақилликка ин-

тилувчанлик.

IX. Ижодий (креатив) хислатлар: касбий маҳоратини такомиллаштиришга интилувчанлик ҳар бир ўқувчида амалий малакалар шакллантириш дастурини яратишга чанқоқлик – эмпатия туйғусини эгаллаганлик; инверсияга қобил, тарбияланувчи шахсига оид олдинги омилларга янгича ёндашиш; ўқувчиларга психологик таъсир ўтказиш, натижаларни олдиндан пайқаш; инновация (янгилик), прогноз (башорат), диагноз (ташхис) қилишга иштиёқ.

Касбий фаолиятни таҳлил қилмасдан туриб, мукамал психодиагностика муаммоларини ҳал қилиш мумкин эмас, чунки мукамаллик моҳияти ва унинг тузилишига эътибор қилиш зарур. Фаолият самарадорлигини ташхис қилиш ва баҳолаш учун тестларни саралаш, асослаш, татбиқ қилинадиган мезонларни аниқлаш жоиз. мукамаллик натижаларини умумлаштириш асосида касбларни таснифлаш (классификациялаш) имкони вужудга келади.

Республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар аҳолидан юксак маданиятни, ўз касбининг моҳир устаси бўлишни талаб этади. Шу нуқтаи назардан касбий фаолиятнинг икки хил жиҳати психологик ва педагогик жиҳатлари фарқланади.

Касбий фаолиятнинг психологик жиҳатлари ходимларнинг келажақда ўз бурч ва мажбуриятларини самарали бажаришлари учун уларга зарур бўлган психологик-педагогик тамойиллар, категориялар ва тушунчаларни сингдириш ҳамда касб маданияти ва этикаси талабларига мувофиқ ҳатти-ҳаракатларини изоҳлаш, хизмат вазифаларини тўғри бажаришга ўргатиш, ўз касбига меҳр-муҳаббат, инсонга ҳурмат билан қарашни тарбиялашда намоён бўлади. Касбий фаолиятнинг педагогик жиҳатлари эса ходимлар ҳуқидаги

ЗАМОНАВИЙ ПСИХОЛОГИЯДА ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛИКНИНГ ЎРГАНИЛИШИ¹

Г.ЗИЯВИТДИНОВА

Низомий номидаги ТДПУ катта ўқитувчиси

Аннотация. Мақола “Ўзбекистон ёшларида психологик етуклик кўрсаткичларини ўрганишнинг психодиагностика воситаларини ишлаб чиқиш, илмий асослаш ва амалиётга тадбиқ этиш” мавзусидаги ОТ-Ф1-126 рақамли фундаментал тадқиқот лойиҳаси асосида бажарилди. Унда психолог олимларнинг мавзуга оид қарашлари хусусида сўз юритилади.

Калит сўзлар: бардошли, киришимли, хотиржам, мулоҳазали, ишончли, либерал, ҳалоллик, адолатлилик, аниқлик, ишончлилик, бажарувчанлик.

Оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақлайдиган, миллий қадриятларнинг ривожини таъминлайдиган, янги авлодни дунёга келтириб, уни маънавий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялайдиган, жамиятнинг асосий негизи ҳисобланувчи муқаддас маскандир. Оила табиатнинг энг гўзал мўъжизаларидан бири.

Оила қадриятларининг тикланиши ва қариндошлик муносабатлари ўз умрини тутатган оила-уруғ муносабатларини абадийлаштиришни эмас, балки ҳар бир оиланинг иқтисодий, маданий, касб-кор жихатдан равақ топишини англатади. Оила ва оила муаммолари ҳамиша давлатнинг диққат-эътибори ва ҳимоясида бўлиб келмоқда.

Эр-хотинлик ва оилавий муносабатларнинг барқарорлиги ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёрлиги, яъни оилавий ҳаётга ижобий эмоционал муносабатни ифодаладиган шахс кўрсатмаларининг бутун бошли тизимига боғлиқ. Бугун бирга яшайдиган ва расмий равишда никоҳни қайд этишдан қочадиган ёшларнинг сони тобора ошиб бормоқда. Бундай ҳолат бирга яшаш муносабатларининг психологик моҳияти, бирга яшовчиларнинг етуклик даражаси ва уларнинг фуқаролик никоҳи истиқболига йўналганлик даражасини аниқлаштиришга ёрдам берадиган бир қатор саволларни келтириб

чиқаради. Шундай қилиб, никоҳга тайёрлик шундай етукликнинг мезонларидан бири бўлиб, тадқиқотчи учун қизиқарли мавзу бўлиб бормоқда, чунки у, бир томондан ёшларнинг ижтимоий кўрсатмаларининг яққол кўринадиган йиғиндиси бўлиб, иккинчи томондан, психологик ҳодиса (феномен) ҳисобланади, унда фуқаролик никоҳига интилиш асосида ётадиган эҳтиёж ва мотивларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги акс этади (масалан, севимли инсон ҳақида қайғуришга тайёрлик, ота-оналикка бўлган эҳтиёж, маънавий ўзаро алмашиш ва бошқалар). Бу ҳозирги жамиятдаги никоҳнинг ўрни ва унинг тўлақонли амалга оширишни тўғри тушунишга қаратилган ижтимоий талабга тўлиқ мос келади. Умуман, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оила ва никоҳ ҳақида адекват тасаввурларнинг демография соҳасида мавжуд жиддий вазият шароитларида шакллантириш долзарб, жиддий умумдавлат муаммо ҳисобланади.

“Оилавий ҳаётга тайёрлик” тушунчаси Р. Борман, Г. Шилле, Т. В. Андреева, И. В. Гребенников, В. А. Сисенко ва А. Н. Сизанов каби тадқиқотчиларнинг эътиборида бўлган.

И. В. Гребенников бизнинг мамлакатимизда кўпгина оилалар севги-муҳаббат асосида қурилган, деган фикрни айтади. Бироқ, муаллифнинг таъкидлашича, ҳаттоки ҳақиқий ўзаро севги ёшларнинг турмуш қуришга тайёр эканликларини, яъни оила

¹ Мақола “Ўзбекистон ёшларида психологик етуклик кўрсаткичларини ўрганишнинг психодиагностика воситаларини ишлаб чиқиш, илмий асослаш ва амалиётга тадбиқ этиш” мавзусидаги ОТ-Ф1-126 рақамли фундаментал тадқиқот лойиҳаси асосида бажарилди.

қуриш билан биргаликда юзага келадиган бир-бирига ва бўлажак болаларга нисбатан янги ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширишга тайёрликларини англамайди.

Т. В. Андреева, И. В. Гребенников ва В. А. Сисенко ёшларнинг турмуш қуришга тайёрлигининг учта асосий босқичларини ажратишади:

1. Жисмоний етуклик. Турмуш қуриш ёшининг бошланиши инсоннинг жисмоний ривожланишининг яқунланиши ҳисобланади. Бу ёшларнинг соғлиғига зарар етказмасдан фарзандли бўла олиши, қиз бола учун, бундан ташқари, соғлом болани кўтариб юриш ва дунёга келтиришни англайди. Жинсий етуклик – эр-хотинликнинг муҳим асосларидан бири, аммо, турмуш қуришга ижтимоий ва психологик тайёрлик ҳамда турмушда уйғун жинсий ҳаётга тайёрликнинг кўрсаткичи эмас. Бундан ташқари, оилавий ҳаётга этик (ахлоқий), иқтисодий тайёрлик, ўз-ўзини ва болаларни тарбиялашдаги бошланғич кўникмалар зарур. Шунинг учун турмуш қуришга тайёрликни аниқлашда қийинчилик юзага келади.

2. Ижтимоий тайёрлик. Оила қуришга ижтимоий тайёрлик кўрсаткичлари орасида ушбу муаллифлар қуйидагиларни белгилашади: таълим олишнинг яқунланиши, касб эгаллаш ёки олий маълумот олишни давом эттириш, мустақил меҳнат фаолиятининг бошланиши. Улар билан турмуш қуришга ижтимоий-иқтисодий тайёрлик, яъни ёшларнинг ўзлари ва ўз оиласини моддий томондан таъминлаш қобилияти узвий боғлиқ. Бунда 18-19 ёшдаги ёшларнинг бир қисми ота-онасининг моддий ёрдамидан фойдаланади. Бундай ёрдамга қарамлик ёш оила иттифоқини жиддий равишда қийинлаштиради.

Бундан ташқари, турмуш қуришга ижтимоий тайёрлик бир-бири учун, бутун оила ва бўлажак болалар учун масъулиятни ўз зиммасига олишни назарда тутаяди.

3. Никоҳга этик-психологик тайёрлик. Турмуш қураётган ёшларнинг этик-психо-

логик тайёрлиги эр-хотинликнинг уйғунлиги ва оила мустаҳкамлигининг муҳим омилларидан ҳисобланади. У бир қатор ўзаро боғлиқ ва ўзаро ифодаланган омилларни ўз ичига олади: шаклланган оила идеали, оила муносабатларининг мақсадлари, оила қуришдаги анланган мотивлар ва ундан кутилган истаклар ҳамда эр-хотинлик ва ота-оналик мажбуриятлари ҳақида аниқ тасаввур. Бўлажак эр-хотинлар оилавий ҳаётда онгли биргаликдаги уринишлар билан унинг ҳар бир аъзосига қулай шароитлар яратишга тайёр бўлишлари керак.

А. Н. Сизанов [3] “оилавий ҳаётга тайёрлик” тушунчасида ижтимоий-ахлоқий, мотивацион, психологик ва педагогик тайёрликни ажратади:

1. Ижтимоий-ахлоқий тайёрлик, муаллифнинг фикрича, фуқаролик етукликни назарда тутаяди – ёш (қизлар учун - 20-22 ёш, ўғил болалар учун - 23-28 ёш), маълумотлилиқ, касбнинг борлиги, иқтисодий мустақиллик ҳамда ахлоқий онгнинг шаклланганлиги. Шаклланган ахлоқий онг ўғил ва қиз болаларда оиланинг ижтимоий аҳамиятини тушунишлари, масъулият ҳиссининг мавжудлиги, ўзаро ҳурмат ҳамда турмуш қураётган инсонларнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишга тайёрликни назарда тутаяди.

2. Мотивацион тайёрлик. Эр-хотинлик муносабатларига киришишнинг асосий мотиви севги-муҳаббат туйғуси ҳисобланади. Бироқ, бошқа мотивлар ҳам мавжуд: ақлидрок бўйича (“қари қиз бўлиб қолмаслик учун”, “оила қуриш вақти келди”, “ўқишдан кейин шаҳарда қолиш хоҳиши”, “дугоналар ёки ўртоқларнинг намунаси бўйича” ва бошқалар); моддий манфаатлар бўйича. Мотивацион тайёрлик мустақиллик (маиший кўникмаларнинг мавжудлиги, ота-оналардан моддий эркинлик, ҳаёт учун муҳим масалаларни ҳал қилиш қобилияти) ва ташкил топаётган оила учун масъулият ҳисси, болаларни дунёга келтириш ва тарбиялашга тайёрлик.

С. И. Ожегов масъулиятни ўз фаолиятига жавоб бера олиш мажбурияти, зарурияти деб тушунтиради. Масъулиятдан қочмоқ – бу ўз хатти-ҳаракатлари учун жазо олмоқ дегани. Фалсафа луғатида масъулият инсоннинг жамиятга бўлган ўзига хос ижтимоий, ахлоқий ва ҳуқуқий муносабати сифатида кўрилади, бу инсоннинг қобилият ва одоб-ахлоқ танлови, ўзининг хатти-ҳаракатларидаги имкониятлари ўртасидаги ўзаро муносабати бўлиб, уларнинг натижалари маъқуллаш ёки айблаш, тақдирлаш ёки жазолаш билан боғлиқ. Агар инсон нимагадир жавобгар бўлса, у кимнингдир олдида, кимдир учун жавобгар ҳисобланади [2]. Масъулият шахснинг хусусияти (характер) сифатида – нисбатан турғун, барқарор категория ва кўринганидек турли хил вазиятларда намоён бўлиши керак, лекин А. Л. Слободский тадқиқотларининг кўрсатишича, “масъулиятнинг танлаш хусусияти” ҳам мавжуд (К. Муздибаев, 1983). Ижтимоий масъулиятнинг қонун-қоидалари концепциясини тузган Берковец ва Даниельснинг (1964) фикрлари эса бошқачароқ. Улар, масъулият ҳисси инсон кимдир унинг ёрдамига муҳтож бўлганини англаганда пайдо бўлади деб ҳисоблайди. Бунда ёрдам ҳеч қандай тақдирлашни кўзламаган ҳолда кўрсатилади, “яхшиликка яхшилик билан жавоб бериш” принципи бўйича деса ҳам бўлади.

Масъулият – бу, аввало, шахс хусусияти, унинг характерологик жиҳати. Бу этика ва ҳуқуқ категорияси, у ҳалоллик, адолатлилик, аниқлик, ишончлилик, бажарувчанлик, ўз хатти-ҳаракатлари учун жавоб беришга тайёрлик каби сифатларни ўз ичига олади, бу эса оилавий ҳаётда муҳим аҳамият касб этади.

Оила қуришдаги психологик тайёрлик, А. Н. Сизановнинг фикрича [3] одамлар билан мулоқот қилишнинг ривожланган кўникмалари, дунё ва оилавий ҳаётга бўлган қарашларнинг бирлиги ва ўхшашлигида акс этади. Муаллиф психиканинг ёшларга хос юқори пластиклиги, янги турдаги муноса-

батларга кўникиш қобилияти ҳамда ёшларнинг мутаносиблиги, яъни кўпчилик турмуш кураётганларнинг ўрталаридаги фарқ 3-5 ёшдан юқори эмаслигини таъкидлайди.

Мулоқот маданияти инсондан бошқа одамларнинг ҳолатини тушуниш қобилиятини талаб этади. Бу оилавий ҳаёт учун жуда муҳим қобилият. Фақатгина бошқа инсоннинг туйғуларига ҳурмат ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, ўзининг муносабатини очиқ кўрсатиш, ўз туйғуларини кўрсатиш ва тушунтира олиш қобилияти севимли инсон билан ишончли муносабатларнинг ривожланишига олиб келади. Бунда бир-бирининг хатти-ҳаракатларини баҳолашда адолатли ва сабр-тоқатли бўлиш ҳам муҳим.

Бошланғич эр-хотинлик муносабатларини психологик жиҳатдан тўғри ёки мос келмаслик қийинлаштиради ва ҳаттоки уларнинг бузилишига ҳам олиб келади, психологик жиҳатдан мос келмаслик – бу дунё ва оилавий ҳаётга бўлган қарашларнинг тўғри келмаслиги, темперамент, характердаги ёрқин ифодаланган акцентуациялар, ўзини юқори/(паст) баҳолаш, ўзига ва бошқага нисбатан юқори талаблар ва бошқалар. Оиладаги ахлоқий муҳит ва унинг келажаги турмуш кураётганларнинг муҳим психологик хусусиятларининг тўғри келиш даражасига боғлиқ. Характердаги ўзига хос хусусиятлар ва ҳис-туйғуларни инобатга олиш ҳар томонлама муваффақиятли оиланинг муҳим шарти ҳисобланади.

Оила қуришдаги педагогик тайёрлик педагогик саводхонлик, хўжалик-иқтисодий кўникмалар, жинсий тарбияни ўз ичига олади. Педагогик саводхонлик – бу болалар ривожланишининг қонуниятлари ва уларни тарбия қилиш хусусиятлари, чақалоқни парваришлаш кўникмаларини билиш. Хўжалик-иқтисодий кўникмалар – бу оилавий бюджетни режалаштириш, тақсимлаш ва унга риоя қилиш қобилияти, турмуш ва бўш вақтни ташкиллаштириш, оилада қулайлик яратиш. Педагогик тайёрлик жинсий тарби-

ТЕХНОЛОГИЯ ФАНЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИНТЕГРАЦИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

Д.БАХРИТДИНОВА

Қарши давлат университети хузуридаги ХТХҚТМОҲМ ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада интеграциялашган технология дарсларини олиб бориш ва унинг самарадорлиги аниқ мисоллар асосида очиб берилган.

Калит сўзлар: фанлараро алоқадорлик, андоза юзаси, газлама сарфи, геометрик усул.

Аннотация. В статье приведены примеры интегрированных технологических уроков и их эффективность.

Ключевые слова: интерактивное взаимодействие, конституция, газификация, геометрический метод.

Annotation. The article provides examples of integrated technology lessons and their effectiveness.

Key words: interactive interaction, constitution, gasification, geometric method.

Умумтаълим мактабларида олиб бориладиган технология фани ўқувчиларни ҳозирги замон саноати ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг муҳим тармоқлари билан таништириш билан бир қаторда уларни турли касблар билан таништириб, қизиқтириб боради. Ушбу жараёнда самарали натижага эришиш йўли – бу интеграциядир. Интеграллашган ўқитиш натижалари ўқувчиларнинг ижодий фикрлашида намоён бўлади. У ўқув-билиш фаолиятини нафақат жадаллаштириш, тизимлаштириш ва оптималлаштиришга балки турли соҳа маданиятини ҳам эгаллашга имкон беради. Холбуки маданият тури инсоннинг онгини белгилайди. Шунинг учун ҳам ҳозирги замон таълим муассасаларида интеграция жуда долзарб ва зарурдир.

Фанлараро алоқадорлик муаммоси педагогиканинг асосий муаммоларидан бири бўлиб, у таълим-тарбия жараёнида бўлажак мутахассисларнинг ўқув билиш фаолиятини фаоллаштиради, билимлар сифатини оширади, таълимнинг илмийлиги, тушунарлилиги, тизимлилиги ва мобиллигини оширишга хизмат қилади.

Фанлараро алоқалар – бу, умуман олганда, турли фанлар орасидаги алоқалардир. Бизнинг фикримизча, касбий таълимда фанларнинг ўзаро алоқадорлиги деганда, биринчи блок фанларининг бошқа фанлар билан алоқа доирасини, шунингдек, дастур мазмуни ва услубини, ишлаб чиқариш таълими ва меҳнат

усулларига татбиқ этиш тушунилади, бу алоқалар ўқувчиларда турли дидактик воситалар, малака, қобилият ва билимлар тизими, шу билан бирга, шахснинг сифатлари, ўқитишнинг мақсади, талаблари билан шакллантирилади.

Фанлараро алоқанинг методологик асоси моддий оламнинг яхлитлиги, назария ва амалиётнинг бирлиги, олам, жамият ва тафаккурнинг ўзгариш, ривожланиши ҳисобланса, психофизиологик асоси эса инсон тафаккури, яъни фикр юритиш табиатидан келиб чиқиб, ўрганилаётган фанларнинг янги қирраларини билишга имкон беради, кўлами жиҳатидан кенг ва чуқур, моҳиятига кўра яхлит тизим шаклидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга, шахсий фазилятларнинг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилади.

Фанлараро боғланишни амалда татбиқ этиш ўқувчиларни илмий-назарий ва амалий жиҳатдан тайёрлаш даражасини оширибгина қолмай, фан ўқув материаллари мазмунини бойитиб, уни таълим жараёнида ёритишда ва ўзлаштиришда, билимларни амалаётда қўллашда самарали восита бўлиб ҳисобланади.

Фанлараро алоқадорликни яратиш учун ўқув фани мазмунида етакчи мавзуларни танлаб олишда қуйидаги мезонларга амал қилиш ўринлидир:

- ўқув фанининг асосий ғоялари ва етакчи қоидаларини ёритиш учун танланган мавзунинг долзарблиги, аҳамиятлилиги;
- ўқув мавзуси мазмунида турли хил билим-

ларни умумлаштириш ва боғланишнинг юқори даражада бўлиши.

Юқоридаги мезонларга таянган ҳолда, технология фанининг бичиш тикиш ишларида аниқ фанлар билан ўзаро алоқадорлигини кўриб чиқамиз.

Маълумки, кийим таннархини ташкил этишда газлама сарфи салмоқли ўринни эгаллайди, шу сабабли тикувчилик корхонасида маҳсулот таннархини камайтиришда энг аввало газламадан самарали фойдаланишга эътибор қаратилади. Кийимга кетадиган газлама сарфини аниқлашнинг бир қанча усуллари мавжуд. Агар кийим андозаларини тўртбурчак шаклидаги қоғозга рационал жойлаштирсак, шу кийимга сарфланадиган газлама миқдорини, кийимнинг андозалари юзалари ва андозалар орасидан чиқадиган чиқинди миқдорлари йиғиндисидан иборат деб айтиш мумкин. Демак, газлама сарфини аниқлаш учун кийим андозаларининг юзасини аниқлаш муҳим экан. Амалиётда андозалар юзасини аниқлашнинг энг кўп қўлланиладиган куйидаги усуллари мавжуд [1]:

- 1) геометрик усул;
- 2) андозаларни тарозида тортиш усули;
- 3) фото-электрон машинада ҳисоблаш усули.

Геометрик усулда ҳар қайси андоза юзаси майда геометрик шаклларга бўлиниб, улар алоҳида ҳисоблаб чиқилади. Олинган натижалар йиғилиб, андоза юзаси аниқланади. Бунинг учун эса ўқувчилардан геометрия фанида ўрганилган геометрик шакллар тўғрисидаги билимларни эслаш, такрорлаш талаб этилади. Ўқитувчи андозани маълум геометрик шаклга бўлар экан, унинг номини айтади, масалан, учбурчак, трапеция, тўртбурчак, ромб ва ҳоказо. Андозалар геометрик шаклларга ажратилгандан сўнг, уларнинг ҳар биттасининг юзасини аниқлаш зарур. Бунда ўқитувчининг ўқувчиларга берадиган биринчи саволи, геометрик шакллар юзасини топиш формуллари билан боғлиқ бўлади. Агар андозадаги геометрик шакллардан бири, масалан, тўғри бурчакли учбурчакдан иборат бўлса, ўқитувчи унинг юзасини топишда геометрик формуладан фойдаланиш лозимлигини эслатади.

Геометрия курсини яхши ўзлаштирган

ўқувчи, албатта, геометрик шакллар ва уларнинг юзаларини аниқлашга оид топшириқларни ечишда қийналмайди.

Шу мавзу доирасида андозалар юзасини тарозида тортиб ўлчаш усулида эса ўқувчиларнинг математика фанидан “пропорциялар” тўғрисидаги билимлари талаб этилади, чунки андозалар картондан қирқиб олингандан сўнг, улар массаси тарозида ўлчанади. Сўнгра шу картондан бир бўлак, ҳажми 10 см х 10 см, яъни 100 см² қирқиб олиниб, унинг ҳам массаси ўлчанади ва шу юза массага нисбатан андозалар юзаси куйидаги формула орқали аниқланади:

Математик масалаларда пропорцияларни аниқлашни биладиган, ўлчов бирликлари билан тўғри ишлайдиган ўқувчида берилган формула асосида андоза юзасини топишда ҳеч қандай муаммолар бўлмайди.

Кузатишлар асосида айтиш мумкинки, кундалик ҳаётда, хусусан теварак-атрофимизда юз бераётган табиат ҳодисаларида, фан-техника, ишлаб чиқариш ва маиший хизматнинг барча жабҳасида интеграциялашмаган фаолият, жараённи тасаввур қилиш қийин. Улар моҳиятан илмий билимлар интеграцияси маҳсулидир. Демак, интеграция ҳаётини эҳтиёж бўлиб, бу жараёнсиз ўқувчиларнинг илмий дунёқараши, фан-техника, ишлаб чиқариш ва маиший хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланмайди.

Технология таълими жараёнида замонавий материаллар, асбоб-ускуналар, технологик жараёнларни ривожлантириш ҳамда халқ хунармандчилигини тараққий эттиришнинг янги йўналишларини интегротив ёндашув асосида амалга оширилиши кўп жиҳатдан ўқувчилар ижодий фаоллигини таъминлашга хизмат қилади.

Технология таълимини интегротив ёндашув асосида ташкил қилишда ўқувчиларда техника воситаларининг ишлаш хусусиятлари, техника ва саноат технологиясининг тараққий этиш истикболлари, уларни лойиҳалаш муаммолари ҳақида тизимли тушунчалар шаклланади. Ўқувчилар ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни янги вазиятларда қўллаш асосида ижодий-техник топшириқлар-

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯ

А.ХАСАНОВ

PhD. Доц.в.б., ТДПУ. Ахборот технологиялари кафедраси мудири,
Ш.ЎРОҚОВА

ТДПУ Ахборот технологиялари кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада бугунги кунда касб-ҳунар таълими тизимида таълим сифатини оширишга қаратилган фанлараро интеграция ва ўқувчиларни ўқитишнинг ҳозирги замон дидактикасидаги таҳлилий қарашлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: билим, кўникма, фанлараро интеграция, дидактика, ёндашув, диалектика, синтез.

Аннотация. В статье приведены сведения о направленных на повышение качества обучения в системе средне-специального, профессионального обучения межпредметных интеграция и аналитические взгляды в современной дидактике обучения учащихся.

Ключевые слова: знание, навык, межпредметная интеграция, дидактика, подход, диалектика, синтез.

Annotation. The article contains information on the aims of improving the quality of education in the system of secondary special, professional training of intersubject communications and analytical views in modern didactics of student learning.

Key words: knowledge, skill, intersubject connection, didactics, approach, objective, conceptual, synthesis.

Фанлараро интеграцияни амалга ошириш орқали ўқув фанлари мазмунини ўзлаштириш ўқувчиларга ижобий таъсир кўрсатади. Бирок, бунинг учун фанлараро интеграциянинг дидактик имкониятларини янада тўлароқ аниқлаб олиш, уларнинг умумий дидактикадаги мақомини, уларнинг ўқитишдаги функцияларини аниқлаш ва шу билан ўқитувчилар ҳамда ўқитувчиларга фанлараро интеграциядан ўқитиш жараёнида самарали фойдаланиш учун дастак бериш лозим.

Лекин изчиллик тамойили ҳам ўқув ахборотининг мазмуни билан чекланган ва унга тамойил мақоми берилган, яъни бу фанлараро интеграцияни таърифлаш ва унинг мақомини белгилаш шарт саналмайди.

Фанлараро интеграциянинг моҳияти ва аҳамияти аниқлаштирилганда фанлараро интеграцияни амалга ошириш бўйича ўқитувчилар фаолиятидаги асосий йўналишлар ажратиб берилган, фанлараро интеграцияни амалга ошириш воситалари ва усуллари ёритилган, фанлараро интеграция анча тўлиқ амалга ошадиган ўқув машғулотларининг бир қанча шакллари кўриб чиқилган. У фанлараро

интеграцияни “ўқувчилар билими илмий даражасини, улар фикрлаши, ижодий қобилиятлари ривожланишида ўқитишнинг аҳамиятини оширишнинг, уларда илий дунёқараш шаклланишининг, билимларни ўзлаштириш жараёнларини оптималлаштиришнинг, билишга оид малака шаклланишининг ва якуний ҳисобда ўқув жараёнини такомиллаштиришнинг дидактик шартини” сифатида олиб қарайди. [1. 16-19б.].

Фанлараро интеграция табиатда объектив амалда бўлган шундай диалектик ўзаро алоқаларнинг ўқув фанлари мазмунидаги аксини намоён қиладилар ва замонавий фан томонидан ўрганилади, шунинг учун фанлараро интеграцияни илм-фан йўналишлариаро алоқалар эквиваленти сифатида олиб қараш мумкин.

Умумий ва хусусий дидактика нуктаи-назаридан биз мос ҳолда қуйидаги таърифларни бера оламиз:

Фанлараро интеграция ўқитишнинг ҳозирги замон назариясида ходисаларнинг умумий интеграциясини акс эттирувчи илм-фан йўналишлариаро билимларнинг намоён бў-

лиш шакли сифатида юзага чиқа туриб, илмий дунёқараш шаклланиши учун шароитларни яратадиган, аниқ ўқув фанида диалектик фикрлаш усулини шакллантирадиган ва ўз моҳияти, меъёрий ва жараёнли функциялари тизими орқали амалга ошириладиган турли ўқув фанларини ўрганишда мазмуний ва жараёнли интеграция тизимини белгиловчи асос бўлиб хизмат қилувчи дидактик тамойилни билдиради ва хусусий дидактикада фанлараро интеграция мазкур ўқув фани чегараларидан чикувчи ҳар бир бутун тизимнинг бошқа атрофдаги тизимлар ёки ҳодисалар билан чексиз ҳар хил алоқалари ҳамда муносабатларини оча бориб, диалектик фикрлашнинг шаклланиши ва ривожланишини бошқарувчи, ўқув билимларининг фанлараро тузилмасини яратувчи, ўрганилаётган фан сифатий хусусиятларини йўқотишсиз борлиқ ҳақидаги бир бутун тасаввурни шакллантириш ва фанли ўқитиш орасидаги қарама-қаршиликларни ҳал қилувчи дидактик тамойил сифатида намён бўлади.

Фанлараро интеграция муаммосини таълим тизими ва ишлаб чиқилишидаги асосий камчиликларни таҳлил қила туриб, биз уларнинг ичидан ўз тадқиқотларимизга тааллуқли жойларини ажратиб кўрсатамиз:

- фанлараро интеграциянинг ягона умум қабул қилинган назарияси йўқ;

- фанлараро интеграциянинг функциялари, даражалари ва амалга ошириш шакллари ҳақида масалаларни келгусида ишлаб чиқиш талаб қилинади;

- ҳалигача фанлараро интеграциянинг умумий дидактикадаги мақоми масаласи охиригача ҳал қилинмаган ва аниқ педагогик тизимларда уларнинг мазмуний ва меъёрий функциялари белгилаб берилмаган;

- амалда фанлараро интеграция ўқувчиларда замонавий табиий илмий дунёқарашни шакллантиришдаги функцияларини тушуниб етмаслик асосидаги юзаки, ногаҳоний, декларатив ва иллюстратив хусусиятга эгадир;

- ҳатто ўқитувчи фанлараро интеграциядан доимий фойдаланадиган жойларда ҳам у буни фикрлаш шакллантирилишининг эмпирик ёндашуви билан амалга оширади: ўқитиш

жараёнида олдин тушунчалар мазкур ўқув фанига киритилади, бу фан билимлари тизимида ўзлаштирилади, кейин эса фанлараро тушунчавий интеграция таъсири остида умумфан сифатида тушуниб етилади ҳамда умумий табиий илмий билимлар тизимида киритилади.

Шунинг учун бизнинг фикримизча, фанлараро интеграциянинг касб-хунар таълими тизимидаги аҳамияти ва ўрнини тадқиқ қилиш, уларнинг иш жойларини компьютерлаштириш ва иктисодиёт йўналишларидаги фанлар учун ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ҳамда улардан мутахассислик фанлари бўйича таълим бериш жараёнида фойдаланиш шароитларидаги услубиёти ва технологиясини ишлаб чиқиш зарурдир.

Бироқ, фақатгина фанлараро интеграциянинг тамойилини эълон қилишдагина тўхтаб қолиш мумкин эмас. У ёки бу қоида ўқитиш тамойилларига фақатгина у “дастаклик” хусусиятига эга бўлгандагина, яъни уни қўллаш усули маълум бўлгандагина тамойил деб ҳисобланиши мумкин. Бу вазифани эса айнан унинг мазмуний, меъёрий ва жараёнли функциялари бажаради.

Яқин вақтларгача фанлараро интеграциянинг мана шундай функцияларини (яна бунинг устига бу функциялар танлаб олинган ўқитишнинг педагогик тизимида ўзгаришларга дучор бўлиши мумкинлиги нуқтаи-назаридан) ишлаб чиқиш масаласи ўртага қўйилган ва амалга оширилган илмий ишлар йўқ эди. Бу шунинг учун ҳам тушунарли эдики, бу мақсадларда бу тамойилнинг энг аввало дидактикадаги мақоми белгиланиши лозим эди.

Ўқитишнинг усуллари ва ташкилий шакллари белгиловчи дарс бериш фаолиятига нисбатан асосий ҳисобланувчи фанлараро интеграциянинг тамойилининг меъёрий томони ўз ичига қуйидаги талабларни олиши керак:

- фанлараро интеграциядан борлиқни, унинг объектлари ва ҳодисаларини бир бутун, яхлит кўришни акс эттирувчи илмийлик тамойили ва тизимли ёндашув (борлиқни тушуниш тамойили) билан ривожлантириш тамойилини бирлаштириш учун фойдаланиш;

- фанлараро интеграция тамойилини ўқувчиларнинг концептуал фикрлашини

шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳалаштирилаётган фаолият мазмунини тартибга солиши зарур бўлган изчиллик, тарихийлик, шахснинг ягоналиги, англаш ва фаолият тамойиллари билан уйғунликда ривожлантирувчи таълимни тартибга солувчи сифатида олиб қараш;

- фанлараро интеграциянинг турли хилларидан ва уларни амалга ошириш шаклларида ўқувчиларнинг илмий билимлари ривожлантирилишини онгли равишда бошқариш ва умумилмий (умумфан) билимлари, малакалари ва кўникмаларини шакллантириш, фаолиятнинг турли йўналишларида илмий билимларни олишни ривожлантиришда фойдаланиш;

- одатдаги таълимдан фарқли равишда ўқувчиларнинг нафақат ташқи, балки уларнинг ёш хусусиятларини, психологик ўзига хосликларини эътиборга олган ҳолда фикрлаш жараёнларини ҳам бошқаришда фанлараро интеграциядан фойдаланиш;

- моделлар, назариялар, борлиқнинг илмий тасвири каби тузилмавий умумлаштиришларнинг мантиғи билан белгиланадиган ақлий ҳаракатлар тизимини ташкил этиш ҳисобига билимларни ўзлаштиришнинг юқори мустаҳкамлигини таъминлаш;

- аниқ масалаларни ечишда турдош фанларда олинган билим ва малакалардан комплекс фойдаланиш, илмий билимларнинг ижтимоий аҳамиятини ёритиш ва ўқувчиларни меҳнатга ва касбий фаолиятга тайёрлаш учун ўқув жараёнларида фанлараро интеграциядан фойдаланиш;

- фанлараро интеграция орқали улардан фойдаланишдаги оптимал имкониятларга эришиш учун турли фан ўқитувчиларининг салоҳиятларини бирлаштириб, ўқитишга мажмувий ёндашувни ривожлантириш;

- турдош ўқув фанлари орасида ўрнатиладиган интеграциянинг чуқурлиги бўйича фарқ қиладиган фанлараро интеграциядан оптимал фойдаланиш:

1. Мослаштириш интеграцияси;
2. Мажмуавий мослаштириш интеграцияси;
3. Методологик мажмуавий мослашти-

риш интеграцияси.

Фанлараро интеграциянинг ўқув фанлари интеграциясини тадқиқ қилишдаги айрим функциялари объектив мавжуд бўлган интеграцион омиллар ётувчи бир неча даражаларни ажратиб кўрсатади:

1. Биринчи (олий) даража – тўлиқлик даражаси - мажмуавий (ўтувчи) фанлар пайдо бўлиши асосидаги янги интегротив ўқув фанларининг яратилиши;

2. Иккинчи даража – дидактик синтез даражаси – касбий-технологик цикл фанлари асосида табиий илмий фанлар ва касбий циклларнинг ўзаро ҳаракати доирасидаги техник объектларни ўрганиш;

3. Учинчи даража - фанлараро интеграция даражаси – суверенитет (мустақиллик)нинг сақланиши ва ўқув машғулотида интегротив шакллариининг ўқув жараёнида йўқлиги.

Бу муаммога яқин даражада айниқса А.В.Усова келиб, у таълимни стандартлаштириш шароитларида фанлараро интеграцияни кўриб чиқа туриб, фанлараро интеграциянинг куйидаги жиҳатларини ажратиб кўрсатди: [2,15-18-б.]

1. Фанлараро интеграциянинг ўқитишдаги моҳияти ва аҳамияти:

- турдош фанлар чегарасида янги фанларнинг ташкил топиши;

- турли фан соҳаларидан билимларни мажмуавий қўллаш орқали илмий билишнинг янги усулларини яратиш;

- ўқувчиларнинг экологик тарбияланишида, ўқувчиларда таълим жараёнида илмий дунёқарашнинг шакллантирилишида, уларни меҳнатга тайёрлашда, асосий касбни танлашга тайёргарлик жараёнида касб-ҳунар муассасининг тугган ўрни ошиши;

- ўқувчилар зўриқишини камайитириш муаммосининг ҳал қилиниши.

2. Фанлараро интеграциянинг асосий тузилмавий компонентлари, уларнинг мазмуний асоси:

- ўқув фанлари цикллари учун умумий бўлган назарий билимлар (ўқув фани цикллари учун умумий тушунчалар, қонунлар, назариялар, шунингдек, материя, ҳаракат, сабаб, оқибат сингари умумилмий тушунчалар);

UMUMTA'LIM MAKTABLARIDA TEXNOLOGIYA FANIDA O'QUVCHILARNING KREATIV KOMPETENTLIGINI SHAKLLANTIRISH

X.MUXAMEDOVA

Nizomiy nomidagi TDPU o'qituvchisi,

Z.SAMIKOVA

Nizomiy nomidagi TDPU o'qituvchisi

Annotatsiya. Ta'limda har bir o'quv fanini o'zlashtirish jarayonida o'quvchilarda, shu fanning o'ziga xosligi, mazmunidan kelib chiqqan holda, sohaga tegishli xususiy kompetensiyalar ham shakllantiriladi. Maqolada ana shu haqida so'z boradi.

Kalit so'zlar: bilim, ko'nikma, kompetensiya, kompetentlik, kreativ ijodkorlik, yubka, o'lchov, taqilma, molniya, aylana, uzunlik, farq, shlitsa.

Аннотация. В процессе изучения каждой учебной дисциплины ученики будут развивать индивидуальные компетенции, основанные на специфике предмета.

Annotation. In the process of studying each academic discipline, students will develop individual competencies based on the specifics of the subject.

Har bir o'quv fanini o'zlashtirish jarayonida o'quvchilarda, shu fanning o'ziga xosligi, mazmunidan kelib chiqqan holda, sohaga tegishli **xususiy kompetensiyalar** ham shakllantiriladi.

Kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan ta'lim o'quvchilarda bilim, ko'nikma va malakalarni alohida shakllantirishni emas, balki ularni kompleks ravishda egallashni taqozo etadi. Shunga ko'ra, o'qitish metodlari ham o'zgaradi. Kompetensiyaviy yondashuvda o'qitish metodlarini tanlash va konstruksiyasini tuzish asoslarini ko'rib chiqaylik. Buning uchun kompetensiya va kompetentlik tushunchalarini aniqlashtiramiz. Uning strukturasi, funksiyasini belgilab olamiz. So'ngra tayanch va predmet kompetensiyalarini loyihalash texnologiyasini tuzamiz.

Kompetensiya – o'quvchining ma'lum sohada samarali faoliyat ko'rsatishi uchun ta'lim tayyorgarligiga oldindan qo'yilgan ijtimoiy talab. Kompetentlik ko'p qirrali bo'lib uning bir necha talqinlari mavjud.

Kompetentlik – o'quvchi tomonidan tegishli kompetensiyalarga ega bo'lishi.

Kompetentlik – o'quvchida tarkib topgan

shaxsiy sifatlar va berilgan sohadagi faoliyati bo'yicha to'plagan minimal tajribasi.

Kompetentlik – o'quvchining shaxsiy sifatлари to'plami (bilimlar, ko'nikmalar, malakalar, layoqatlar) bo'lib, belgilangan ijtimoiy va shaxsiy sohadagi faoliyatida orttirgan tajribasi bilan belgilanadi.

Kompetensiyalarni ta'lim kompetensiyalaridan farqlash lozim. Ta'lim kompetensiyasi o'quvchining kelajakdagi to'laqonli hayotidagi faoliyatini modellashtiradi. Masalan, fuqaro ma'lum bir yoshga yetgunga qadar ba'zi bir kompetensiyalarni tatbiq eta olmaydi. Lekin, bu degani, ularni o'quvchida shakllantirilmaydi, degani emas. Bu holatda biz ta'lim kompetensiyasi haqida gapiramiz. Masalan, o'quvchi maktabda fuqarolik kompetensiyasini o'zlashtirsa-da, uni to'laqonli ravishda maktabni tugatganidan so'ng ishlatadi. Shunga ko'ra, bunday kompetensiyalar, o'qish davrida ta'lim kompetensiyasi sifatida namoyon bo'ladi.

O'quvchining kompetentligiga doir turli kompetensiyalar tahlili shuni ko'rsatadiki, ular kreativ (ijodiy) yo'nalishga ega. Kreativ kompetensiyalarga "tajribadan biror foydali ma'lumot chiqarib olish", "muammoni yecha

olish”, “oldingi va hozirgi voqealar orasidagi o‘zaro aloqani ochish”, “yangi yechimlarni topa olish” kabilar kiradi. Shu bilan birga keltirilgan ko‘nikmalar o‘quvchi faoliyati va tajribasi, bilim, ko‘nikmalarining butun majmuasini aks ettirmaydi.

Kompetentlik – kompetensiyalarni qo‘l-lay olishda ega bo‘lishi kerak bo‘lgan minimal tajribasi bo‘lishni taqozo etadi. Bu haqda o‘quvchining tayyorgarligiga qo‘yiladigan talablarni shakllantirishda hamda o‘quv jarayoni va darsliklarni loyihalashda esdan chiqarmaslik kerak.

Quyida buni mashg‘ulot jarayonida ko‘ramiz.

Mavzu: Beldan kiyiladigan kiyim turlari.

Dars maqsadi:

Ta‘limiy: O‘quvchilarga beldan kiyiladigan kiyim turlari haqida ma‘lumot berish.

Tarbiyaviy: O‘quvchilarda beldan kiyiladigan kiyim turlariga nisbatan estetik didni tarbiyalash.

Rivojlantiruvchi: Yangi mavzu orqali o‘quvchilarning bilimlarini mustahkamlash, rivojlantirish va takomillashtirish.

Dars tipi: o‘quvchilar yangi bilimlarni egallaydigan dars.

Dars turi: nazariy.

Dars metodlari: og‘zaki, ko‘rgazmali, “Blits” so‘rovnoma.

Fanlararo bog‘lanish: chizmachilik, matematika.

Moddiy-texnik jihatdan jihozlash va ko‘rgazmali qurollar: slaydlar, adabiyotlar, turli xil fasondagi yubkalar eskizlari, texnologik xarita, yubka namunasi.

Mavzu yuzasidan tavsiya etiladigan adabiyotlar:

1. N.S.Gaipova va boshqalar. Tikuvchilik texnologiyasi asoslari. O‘quv qo‘llanma. -T.: “Adabiyot” 2006 .

2. Q.M.Abdullayeva. Tikuvchilik buyumlarini modellashtirish asoslari. O‘quv qo‘llanma. -T.: “Adabiyot” 2006 .

Darsning borishi

I. Tashkiliy qism (5 daqiqa):

1.Salomlashish, o‘quvchilarning darsga

tayyorgarligini nazorat qilish, davomadni aniqlash.

2. O‘tilgan mavzuni takrorlash (10 daqiqa).

II. Asosiy qism (15 daqiqa).

Reja:

1. Yubka turlari haqida ma‘lumot.

2. Yubkaning asos chizmasini chizish.

3. Yubka taqilmasiga, bel qismiga, etagiga ishlov berish texnologiyasi.

Dars konspekti

Yubka turlari haqida ma‘lumot

Yubkalar ayollar va qizlar kiyimidir. Yubka bichimi ham barcha kiyim turlari singari o‘zgaruvchandir. Yubkalar bluzka, sviter, kostyum, jaket, jilet bilan kiyiladigan kiyim bo‘lagidir.

Yubkalar asosiy ikkita guruhga bo‘linadi:

1. a) to‘g‘ri, taxlamasiz, bir-biriga o‘tgan;

b) to‘g‘ri, burma bilan kengaytirilgan, gir aylangan taxlamali (bir tomonlama, qaramaqarshi, yelpig‘ichsimon), oldida, orqada, yonida pliseli.

v) etagi ozroq toraytirilgan, belida vitochkali yoki mayda taxlamali.

2. Bu guruhga barcha turdagi – **klyosh, klinli** yubkalar kiradi (beldan, bo‘ksadan klyosh bo‘lishi mumkin).

Yubkalar choklar soni bilan farqlanadi. Bir chokli, ikki, uch chokli va ko‘p chokli, choklar soni fasonga bog‘liq. Yubkalarni rel‘ef choklari, bezak choklari, taxlamalar, pirpiraklar, valanlar, arqonchalar, kashta, mag‘iz, cho‘ntaklar bilan bezatish mumkin. Belbog‘lar turlicha shaklda – keng, koketka bilan, yaxlit bichilgan, bel chizig‘idan yuqorida yoki pastroqda bo‘lishi mumkin. Yubka taqilmasi ham turli xilda – molniyali, ilgakli, knopkali, tugmachali bo‘lishi mumkin. Chizmasi ham turli shaklda va turli ko‘rinishda bo‘lishi mumkin. Yubka asosiy gazlamadan yoki astarli qilib bichiladi.

Yubka uchun o‘lchov olish

Yubka andozasini chizish uchun quyidagi o‘lchovlar kerak bo‘ladi:

Bo‘ksa aylanasi, Bel aylanasi, Kiyim uzunligi, farq.

Kiyim uzunligi quyidagi tartibda o‘lcha-

nadi:

1. Old uzunlik – gavdaning o‘rtasi – bel-dan yergacha;

2. Yon uzunlik – gavdaning o‘ng tomoni – beldan yergacha;

3. Orqa uzunlik – gavdaning orqa o‘rtasi – beldan yergacha.

Farq – yerdan yuqoriga kerakli uzunlik-kacha o‘lchanadi.

Aniqlangan farqni kiyim uzunligining 1,2,3-o‘lchovlaridan ayiriladi va shu o‘lchovlar asosida chizma chiziladi.

Yubkani bichish-tikish tartibi

Maxsus qog‘ozga fason chiziqlari kirgiziladi. Fason chiziqlari bo‘ylab kesiladi va gazlamaga joylashtiriladi. Yubkaning avval katta bo‘laklari – old va orqa bo‘lagi, so‘ng mayda bo‘laklari joylashtiriladi. Yubka vitochkalarini gazlamaning guli kamroq joyida yoki gulsiz joyiga joylashtirish kerak. Bichish qismlar va ip yo‘nalishlari tekshiriladi. Andoza gazlamaga igna to‘g‘nog‘ichlar bilan qadaladi va shakli bo‘yicha chok haqi – yon chokka 2-3 sm, chap tomon va taqilma uchun 3-4 sm, uzunligi 12-15 sm, bel qirqimidan 1-1,5 sm, etagida 4-6 sm qoldirib chiziladi va bichiladi.

Bichilgan qismlarda salqi chokida bo‘ksa chizig‘i, yubka o‘rtasi, fason chiziqlari, vitochkalarni tikib belgilanadi. Vitochkalar tikiladi. Yon qirqimlari nazorat nuqtalarini bir-biriga to‘g‘irlab ulanadi. Taqilma bo‘lsa, ishlov beriladi. Belbog‘i bo‘lsa tayyorlanadi va yubka bel qirqimiga ulanadi. Shlitsa bo‘lsa, ishlov beriladi. Yubka asos ipi bo‘yicha dazmollanadi.

Yubka taqilmasiga molniya bilan ishlov berish

Uzunligi taqilma uzunligiga teng, kengligi 1 smli 1 ta milk bichiladi. Yubka yon choki yuqorisidan taqilma uchun joy qoldirib tikiladi. Taqilma tagiga mustahkamlovchi chok beriladi. Taqilma o‘rni vaqtincha ko‘kklanadi. Kiyim teskarisidan chap tomon chok haqining tagiga milk qo‘yiladi. Milk o‘rtasidan chok haqiga tikiladi. Molniyaning o‘ngini vaqtincha ulangan chok o‘rtasiga qo‘yib ko‘kklanadi. Vaqtincha ulangan chok olinadi. Kiyim o‘ngida

o‘ng tomon buklovidan molniyaning tishini chiqarib, buklov chetidan 1-2 mmdan, chap tomon buklovi bilan molniyani hamma tishini berkitib 1-1,5 smda ustidan bostirib mashinada tikiladi. Ko‘klangan iplar olinadi va taqilma dazmollanadi.

Yubkada shlitsaga ishlov berish

Yubkada shlitsa harakat erkinligi uchun xizmat qiladi. Yubka shlitsasiga ishlov berish uchun 1 dona uzunasi asos ipga adip bichiladi. Adip uzunligi = shlitsa uzunligi+chok haqi + 2 sm, kengligi =chok haqi kengligiga. Yubka orqa bo‘lagining o‘rta choki shlitsa uzunligini qoldirib tikiladi. Chok ohiriga mustahkamlovchi chok beriladi. Chok yorib dazmol qilinadi. Yubka etagida qaytarish chizig‘i dazmollab belgilanadi. Yubka teskarisida o‘ng tomon chok haqining buklov chizig‘i va etak qaytarish chizig‘i uchburchak shaklida bukklanadi va diagonali bo‘yicha tikiladi. Chok haqi qoldirib oshiqcha burchak kesiladi. Chok yorib dazmollanadi va o‘ngiga o‘giriladi. Chap tomon chok haqi shlitsa boshlangan joydan chok haqi kengligida qiya holda qirqiladi va o‘ng tomon chok haqi ustiga yotqizib dazmollanadi. Chok haqining ochiq qirqimi tomoniga etak uchiga asosga bichilgan adip ulanadi. Etak qaytarish chizig‘idan etak kiyim o‘ngiga qaytariladi va ochiq qirqim tomondan adip kiyimga ulanadi. Chok burchagi kesiladi va adip kiyim teskarisiga o‘giriladi. Kiyim o‘ngida shlitsa yuqorisida chap tomonga qiya holda mustahkamlovchi chok beriladi. Shlitsada adip teskarisiga va chap tomon chok haqi tagiga qotirma yopishtirish mumkin. Ochik qirqimlar ishlanadi va yubka etagini qaytarish uchun gazlama turiga qaraladi. Shlitsa dazmollanadi.

Yubka bel qismiga yaxlit bichilgan belbog‘ bilan ishlov berish

Belbog‘ uzunasi asos ipga bichiladi. Belbog‘ uzunligi = Bel (t) ay+chok haqi+4sm, kengligi-7sm. Belbog‘ni teskarisi-teskarisiga qilib 2 ga bukib dazmollanadi. Ustki belbog‘ teskarisiga chokka kirgizmay qotirma dazmollab yopishtiriladi. Belbog‘ ikkala uchi teskaridan tikib o‘ngiga ag‘dariladi. Ustki

СООТНОШЕНИЕ ТРАДИЦИЙ И ИННОВАЦИЙ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ ПРИ ИЗУЧЕНИИ РУССКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ

З.БАБАЕВА

старший преподаватель ТГПУ им. Низами

Аннотация. Статья посвящена современным технологиям построения образовательного процесса, в котором все методы обучения должны развиваться, совершенствоваться и поддерживаться в единстве и неразрывности.

Ключевые слова: балльно-рейтинговой системы оценки качества получаемых знаний инновация, информационные технологии, модернизация, модульное обучение, мониторинг, тестирование, традиция.

Annotation. The article is devoted to modern technologies of building an educational process in which all teaching methods should be developed, improved and maintained in unity and continuity.

Key words: point-rating system for assessing the quality of knowledge gained, innovation, information technology, modernization, modular training, monitoring, testing, tradition.

Annotatsiya. Maqola ta'lim jarayonini shakllantirishning zamonaviy texnologiyalari, barcha o'qitish usullarining ishlab chiqilishi, takomillashtirilishi va rivojlantirilishiga bag'ishlangan.


Kalit so'zlar: innovatsiya, axborot texnologiyalari, modernizatsiya, modulli o'qitish, monitoring, test, an'analarga ega bo'lgan bilimlarning sifatini baholash uchun balli reyting tizimi.

Модернизация системы филологического образования существенно актуализировала проблему педагогической политики, где одной из важнейших проблем современной педагогики является проблема сочетания традиционных и инновационных методов преподавания. Актуальность данной проблемы обусловлена результатом образования – предоставить не только необходимые компетенции по конкретным учебным дисциплинам, но также умение правильно применять их в своей повседневной жизни и использовать в дальнейшем профессиональном развитии. Необходимость взаимосвязи традиций и инноваций в преподавании филологических дисциплин, в частности, русского языка и литературы, ни у кого не вызывает сомнений. Но с другой стороны, на практических занятиях, сбалансированность данных методов нарушается как в одну, так и в другую сторону. Понятия «инновация»

и «традиция» диалектически взаимосвязаны, ведь, как известно «традиция» существует как определённая база для «инноваций», а в свою очередь «инновация» служит необходимой основой для зарождения «традиции». Становится очевидным, что традиции и инновации необходимо рассматривать как два равнозначных полюса системы высшего образования.

В последние годы в системе образования Республики Узбекистан складываются определённые тенденции к созданию всех необходимых условий с целью обеспечить качество и доступность образования. Использование современных интенсивных как инновационных, так и традиционных методов обучения «русскому языку и литературы», с совершенствованием деятельности обучаемых, предполагает планирование определённых результативных критериев образования (Схема 1).

Схема 1



В свою очередь, преподаватель, как субъект образовательного процесса, обязан следовать определённым нормативным правилам с целью адекватного и современного их применения (Схема 2).


Схема 2



Обращаясь к традиционным и инновационным методам в образовании, стоит отметить, что любые методы изначально были призваны обеспечивать высокий уровень духовно-нравственного и интеллектуально-личностного развития студентов, однако при этом необходимо создавать определённые условия на всех этапах обучения. Несмотря на то, что

семинарско-практические занятия считаются «классической» формой учебного процесса, их можно выстраивать и как форму интерактивно-инновационного обучения (особенно при обучении русскому языку и сложных литературных оборотах). В данном случае семинарские занятия как форма обучения позволяют следующее (Схема 3).

Схема 3



Переходя к инновационным средствам обучения в вузе, необходимо выделить использование *тестирования, балльно-рейтинговой системы оценки качества получаемых знаний, модульного обучения, мониторинга*, а также *информационные и исследовательские технологии*, оказывающие специфическое влияние на занятиях по русскому языку и литературе. Особенное значение имеет психологическое отношение педагогов к инновациям, где, по мнению А.В. Хуторского «роль личности участников педагогических инноваций оказывается решающим фактором успешности нововведений». Таким образом, во многом должны определяться особенности подготовки, как самого преподавателя, так и студентов.

Обращая внимание на использование модульного подхода в обучении, отметим, что он даёт возможность реализовывать идею профессионального образования, ведь подобное «модульное обучение или, иначе, метод учебных единиц, согласно которому учебные материалы составляются из отдельных законченных учебных модулей, имеющих практическую, в том числе профессиональную

